

АНДИЖОНЛИК ҚОЧОҚЛАР ГУВОХЛИК БЕРМОҚДАЛАР

Бахтиёр Мухтаров,
"Андижон – Адолат ва Тикланиш",
bahtiyormuhtarov@gmail.com



Оглавление

Введите название главы (уровень 1)	1
Введите название главы (уровень 2)	2
Введите название главы (уровень 3)	3
Введите название главы (уровень 1)	4
Введите название главы (уровень 2)	5

Кириш

2005 йил 13 май куни Андижонда ўз хамюртлари, ўзларининг саховатлари, хайрли ишлари билан кенг ном чиқарган 23 тадбиркорнинг адолатсиз суд қилинаётганлигидан норози бўлиб, намойишга йиғилган халқ, ўзбек ҳукумати қўшинлари томонидан аёвсиз ўққа тутилди. Ҳукумат уларни исломий экстремизмга ва давлатга қарши фитна уюштиришда алоқадорликда айблади. Намойиш қатнашчилари президент Каримовнинг келишини, оддий халқнинг дардига қулоқ солишини, адолатсиз амалдор ва хокимлар, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ўтказилаётган зулмга чек қўйишини кутган эдилар. Аммо президентнинг ўрнига, автомат ва пулеметлар овози янгради. Ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ва шавқатсиз отилган қўёмғири остида юзлаб одамлар, аёллар ва болалар қурбон бўлишди. Беш юздан ортиқ намойиш қатнашчилари қўшни Қирғизистон ҳудудига ўтиб, жон сақлаб қолишга эришдилар. Кейинчалик улар бир қанча ғарб давлатларида қочоқлик мақоми олишга муваффақ бўлдилар. Уларнинг кўпчилиги ватанда ўз яқинлари – аёллари, фарзандлари, ота-оналари, ака-ука ва опа-сингилларини қолдиришган.

Мухожирликнинг илк йилларида, андижонлик қочоқлар, олинган рухий ва жисмоний жарохатлар, ватанда қолган яқинларига етиши мумкин бўлган хавфдан қўрқув остида яшадилар. Шунинг учун ҳам улар бошидан кечирган воқеа ва ходисаларни оммага эълон қилишдан, Каримов режимига нисбатан фикр билдиришдан ўзини тийдилар. Қочоқларнинг бир қисми айрилиқни кўтара олмай, ватанга қайтишга мажбур бўлдилар. Аммо кўпчилик қисми мухожиротда қолишга, жимликни бузиб, 2005 йил майида кўрган-кечирганлари ҳақида гувоҳлик беришга аҳд қилдилар. Бир гуруҳ қочоқлар, қолганларнинг қўллаб-қувватлаши остида жамоатчилик ишларини бошлаб юбордилар. Улар ўзларини андижон воқеалари ҳақида ҳақиқатни очишга, адолатни тиклашга бағишладилар. Мен ўша гуруҳнинг аъзосиман. Бугунги кунда биз шуни англадикки, фақат ҳақиқатни очик айтиш билан, биз ўз ватанимизга, демакки, ўз оиламиз ва яқинларимизга, аввало, ҳақиқат ва эркинлик истаётган ўзбек халқига ёрдам бера олишимиз мумкин.

Биз, андижонлик қочоқлар гуруҳи ўз ташкилотимизни туздик ва уни “Андижон – Адолат ва Тикланиш” деб номладик. Биз учун адолат – бу энг аввало ҳақиқат қарор топишидир. Бусиз Ватанни тиккалаб бўлмайди. Шу сабабли, биз 2005 йил 13 май куни ва ундан кейин содир бўлган воқеалар манзарасини қайта тиклашга қарор қилдик. Бу вазифани амалга ошириш учун эса, ўша куни ҳукумат қўшинлари томонидан уюштирилган оммавий қирғиндан омон қолганлар билан сўровнома ўтказиб, хотираларни тадқиқот қилиш лозим эди.

Бугунги кунда жами 220 киши билан интервью ўтказилди. Интервью берган шахсларнинг барчаси бугунда АҚШ, Канада, Австралия, Германия, Швеция, Норвегия, Голландия ва Европанинг бошқа давлатларида истиқомат қилаётган андижонлик қочоқлар. Интервью асосан телефон орқали ёки “Скайп” тизими орқали ўтказилди. Айрим холлардагина,

интервью берувчи билан бевосита учрашиб, юзма-юз ўтириб суҳбатлашишга муваффақ бўлинди. Изланишлар ҳали давом этмоқда, лекин бугунги брифингда олиб борилган изланишларнинг асосий хулосалари билан таништиришни лозим топдик.

Оммавий қирғин. 2005 йил 13-14 май воқеаларини қайта тиклаш.

Фожеа кўлами

Олиб борилган сўровнома натижасида, ҳукумат қўшинлари томонидан уюштирилган оммавий қирғин оқибатида, 500 дан ортиқ тинч аҳолининг қурбон бўлганлиги аниқланди. Лекин изланишлар давом этмоқда ва бу рақамлар ҳали ўзгариши эҳтимоли бор. Тадқиқотлар жараёнида яна шу нарсани эътиборга олиш лозимки, 2005 йил 13 май куни Бобур майдонида бўлган жуда кўпчилик намоиш қатнашчилари учун ўша куни содир бўлган воқеаларни батафсил тафсилотини хотирасида қайта тиклаш анча мушкуллик туғдиради. Чунки уларнинг кўпи ўша куни жуда оғир рухий таъсир остида бўлишган.

Интервью қилинганларнинг гувоҳлик беришларича, 2005 йил 13 май куни ҳукумат сиёсатидан норози бўлган оддий халқ вакиллари, 23 андижонлик тадбиркорлар устидан олиб борилаётган адолатсиз судни тўхтатиш, иқтисодий қийин аҳволда яшаётган халқнинг турмуш шароитларини яхшилаш талабини ва маҳаллий ҳукуматларнинг зулмига қарши норозилик билдириб, майдонга йиғилган эдилар. Намойишчиларга қарши ҳукумат қўшинлари автомат қуроллар, БТРларга ўрнатилган пулеметлар, ҳамда снайпер қуроллардан огохлантиришсиз ўқ отишган. Кўпчилик гувоҳлар ўша куни кўп қаватли уйларнинг томлари ва юқори қаватларида ҳарбий кийимдаги одамларни кўрганини, улар ўқ отар қуроллардан туриб, намоишчиларга қарата ўқ отганларига гувоҳ бўлганларини таъкидлашди. Бундан ташқари, гувоҳлар кўрсатмаларига асосан, кўпчилик халок бўлганлар бош қисмидан жароҳат олганликлари аниқланди, бу эса ўша қирғинда, ҳукумат аскарлари ҳақиқатда снайпер қуролларидан фойдаланганликларини тасдиқлайди. Биз сўров ўтказган гувоҳларнинг ҳаммаси бир овоздан ўша куни майдонда йиғилганлар орасида кўпчиликни аёллар ва болалар ташкил этганини эътироф этишди. Буни тасдиғини ОАВ архивларида сақланаётган фотосуратларда ҳам кўриш мумкин. Гувоҳлар кўрсатмаларига кўра, ҳарбий аскарлар на аёлларнинг қичқириқларига ва на ёш болаларнинг йиғи-сиғиларига эътибор беришган. Улар барчани аёвсиз қириб ташлаган.

Шуларга қарамасдан, тадқиқотлар натижасида ўша кунги машъум фожеани барча тафсилотлари билан қайта тиклашга ва қирғиннинг кўламини баҳолашга эришилди. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, энг катта қурбонлар сони Чўлпон шоҳ кўчасида бўлган. Айнан шу жойда ҳукумат аскарлари намоишчиларни исканжага олиб, аёвсиз ўққа тутишган. Бу воқеа тафсилотлари “Қопқонда” бўлимида батафсил баён қилинган. Бизнинг хисоб-китобларга қараганда, Чўлпон шоҳ кўчасида 400га яқин аҳоли қурбон бўлган. Бошқа жойларда бўлган қирғин вақтида ҳам кўп қурбонлар бўлган. Мана шулар:

- Бобур майдонидаги намоишда 30-40 киши;
- Чўлпон шоҳ кўчаси бўйлаб юришда 400га яқин киши;
- Тешиктош қшлоғи яқинида отишмада 30-40 киши;
- Сўнгги тергов ва хибсда сақланиш вақтида, бизнинг ҳисоб-китобларга қараганда, бедарак йўқолганларни эътиборга олмаганда камида 25 киши қурбон бўлишган.

Бундан ташқари, Андижон воқеаларида айбдор деб топилган 220 киши турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва бугунда жазони ўташ масканларида турли хил қийноқларга ва шавқатсиз муомалаларга солинмоқдалар.

Айтиб ўтиш керакки, “Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари” Ассоциациясининг маълумотларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу маълумотлар 2005 йилда Андижон шаҳар майитхонаси (морг)да ишлаган доктордан олинган. У шуни кўрсатдики, у ишлаган вақтда, МХХ ходимлари назорати остида майитхона орқали, бош қисмидан ўқ еган ва танасида кўплаб қийноқлар изи бўлган жуда кўп майитлар ўтган. Бизда хали бу маълумотларни тасдиқловчи далиллар йўқ. Лекин бир ҳолат диққатни ўзига тортади: бизнинг маълумотларимизга ҳам асосан, МХХ ва ички ишлар ходимлари тиббийхоналардан ўз мақсадлари учун фойдаланишган. Биз сўров ўтказган гувоҳлар, 2005 йил майида Андижон вилоят шифохонаси тергов изоляторига, демакки, қийноққа солиб сўров қилиш ва ўлимга маҳкум қилиш жойига айлантирилгани ҳақида сўзлаб беришди. Бундай ҳолат Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари учун одатий ҳолдир. Олинган айрим маълумотларга кўра, бундай майитлар қариндошларига милиция ходимларининг қаттиқ назорати остида берилган. Милиция ходимлари майитни очишни, ҳатто, мусулмон одатларига кўра, майитни ювишни ҳам қаттиқ таъқиқлаганлар. Демак, милиция органлари майитнинг яқинлари ва жамоатчиликдан ниманидир яширишга интилганлар.

Воқеалар хронологияси

Бугунги кунда 2005 йил 13 май воқеалари ҳақидаги энг тўлиқ ва ишончли маълумотлар Human Rights Watch ташкилотининг “Bullets were Falling like rain”: The Andijan Massacre, May 13, 2005¹ (Ўқ ёмғири остида: Андижон қирғини, 2005 йил 13 Май) деб номланган ҳисоботида келтирилган. Бизнинг тадқиқотлар асосан юқоридаги ҳисоботни тўла тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам биз воқеаларнинг янги тафсилотларини аниқлаш билан шуғулландик. Биз ўтказган тадқиқотнинг Human Rights Watch ташкилотининг ҳисоботидан фарқи шундаки, уларнинг ҳисоботи Андижон воқеаларидан сўнг кўп ўтмай, хали излар совиб улгурмай ўтказилган. Бизнинг тадқиқотлар эса, орадан беш йил ўтиб ўтказилапти. Бизнинг тадқиқотлар қуйидагиларни кўрсатди:

2005 йил 13 май куни эрталаб тахминан соат 7.00-8.00 орасида Ўрта асрнинг буюк шоирларидан бири З.М. Бобур номли майдонда, шоирнинг хайкали қаршисида 600 га яқин одам тўпланди. Уларнинг кўпчилиги маҳкамага тортилган 23 тадбиркорларнинг турмуш ўртоқлари, оила аъзолари ва қариндош-уруғлари эди.

Тахминан ана шу вақтда Комил Яшин кўчаси бўйлаб, Андижон тиббиёт коллежи томонидан, маълумотларда айтилишича, “ЗИЛ” русумли ёпиқ кузовли юк ташиш машинаси катта тезликда ўтиб кетган. Юк машинасининг орқа кузовидан, харбий камуфляж кийган киши намоишчиларга қарата ўқ отар автомат қуролдан тартибсиз равишда ўқ отган. Ўқ мўлжалсиз отилгани сабабли, қурбонлар сони кўп бўлмаган. Бир ёки икки киши халок

¹ <http://www.hrw.org/reports/2005/uzbekistan0605/>

бўлган, яна бир неча киши турли даражада ярадор бўлишган, уларнинг орасида ёши тахминан 10-12лар орасидаги ўспирин ҳам бўлган.

Тахминан соат 8.00-9.00 орасида айнан ўша томондан катта тезликда милицияга тегишли "УАЗ" русумли енгил автомашина яқинлашиб келди. Автомобил майдонга яқинлашгач, унинг ичида ўтирганлар оломонга қараб, ўқотар қуроллардан бетартиб ота бошладилар. Шундан сўнг автомашина тезда чап томонга бурилиб, "Чолгузар" махалласига қараб кетди. У ерда автомашина баррикадаларга дуч келиб, тўхташга мажбур бўлди. Машинадан харбий камуфляж кийимидаги 3-4 киши тутишди. Уларнинг қўлларида автомат қуроллар бор эди. Улар тўпланиб турган оломон томонга қарата ота бошладилар. Тўпланган одамларнинг ичида ҳам бир неча қуролланган кишилар бор эди. Улар ҳам ўз навбатида харбийларга қарата ота бошладилар. Натижада ўша ерда камида 5 киши халок бўлди. Халок бўлганларнинг ичида 5-7 яшар ёш бола ва 12-15 яшар ўспирин йигит ҳам бор эди. Хужум қилган харбийлардан бир киши халок бўлди. Яна бири (ёш болани отиб ташлаган) қўлга олиниб, қуролсизлантирилди ва оломоннинг ғазабидан химоя қилиш мақсадида хокимият биносига олиб кириб кетилди. Қолган харбийларнинг тақдири хозирча биз учун номаълум бўлиб қолмоқда.

Харбийлар томонидан намоийшчиларга қарши яна камида икки маротаба мана шундай қисқа тартибли хужумлар уюштирилди. Оломон ғазоби ошиб борди, намоийшчилар ичида норозилик кайфияти кучайиб борди. Бизнинг ҳисоб-китобларга қараганда, намоийшчиларнинг сони йигирма мингдан ортиқ киши эди. Соат 17.00 атрофида Навоий шоҳ кўчаси бўйлаб, МХХ биноси томонидан иккита харбий автомашина "Чўлпон" кинотеатри томон катта тезликда ўтиб кетди. Машиналарнинг бири бронетранспортер (БТР), яна бири эса, "УРАЛ" русумли харбий юк машинаси эди. Харбий юк машинасининг орқа кузови очиқ, устига брезент қоплама ташланган эди. Техникалар бирин-кетин, орада 10-15 сония фарқ билан ўтиб кетишди. Иккала техникадан ҳам намоийшчиларга қарата тўхтовсиз равишда автомат қуроллардан ўқ отила бошлади.

Бир неча дақиқадан сўнг яна ўша машиналар орқага қараб ўтдилар ва йўлида отишни давом эттирдилар. Шохидларнинг гувоҳлик беришича, отишма БТРнинг ёнбошидаги люклардан, ҳамда юк машинасининг орқа қисмидан туриб олиб борилган. Юк машинасининг орқа қисмида харбий камуфляждаги аскарларни, бошида каска, айримларининг юзида эса қора маскалари борлигини кўришган. Юк машинаси қоплар билан химояланган эди. Қоплар қум билан тўлдирилган бўлиши мумкин, эҳтимол. Бизнинг ҳисоб-китобларга қараганда, фақат мана шу икки отишманинг натижасида намоийшчилар орасида 20га яқин киши халок бўлган. Ярадор бўлганларнинг сони бизга номаълум. Халок бўлганлар орасида аёллар ва болалар бор эди.

Шундан сўнг майдонга йиғилганлар иккита катта гуруҳга бўлиндилар. Биринчи гуруҳга мингга яқин одам тўпланди ва улар ҳаммадан олдин Навоий шоҳ кўчасидан, Чўлпон шоҳ кўчасига ва ундан "Чўлпон" кинотеатри томонга юра бошладилар. "Чўлпон" кинотеатридан ўтиб, бу колонна жуда шиддатли ўқ ёмғири остида қолди. Бу ходиса 15-ўрта мактаб билан Андижон қурилиш техникуми оралиғида юз берди. Бизнинг тадқиқотларимиздан аниқланишича, айнан мана шу жойда энг кўп одамлар қурбон бўлишган. Биз ана шу биринчи колоннада бўлган ва мўжиза туфайли омон қолган 4 нафар респондент билан суҳбатлашдик. Улар бир овоздан, биринчи колоннадан фақат бир неча кишигина тирик қолгани, қолган

барчалар ўша ерда йўлнинг қоқ ўртасида ётганича қолганларини айтишади. Мана ана шу интервьюлардан бир лавҳа:

Мен соғ-омон дарахтгача югуриб етиб олдим ва бўлган воқеаларни дарахтнинг панасида туриб кузатдим. Дарахтнинг панасида туриб, ўқ отилаётган томонга қарадим. Шунда БТРга кўзим тушди. БТР пиёдалар йўлаги томонга қараб ҳаракатланар эди. Пиёдалар йўлагига эса камида 30га яқин одам бор эди. Улар йўлаг томонга қочиб ўтишга муваффақ бўлишган ва пиёдалар йўлаги бўйлаб ўсган кўплаб катта дарахтларнинг панасига яширинишга ҳаракат қилишар эди. Пиёдалар йўлагига чиқиб олган БТР ва ундаги ҳарбийлар йўлақда бўлган барчани ўққа тутишди. Бу ўқ ёмғиридан ҳеч ким омон қолмади. Улар ҳаммаси менинг кўз ўнгимда халок бўлдилар. Отилаётган ўқлар ётганларни ҳам, қочаётганларни ҳам бир хилда қувиб етди. Ўқлар овозидан атроф ер ларзага келарди. Ҳарбийлар тўхтамай отишар эди. Бундай тўхтовсиз отишмани фақат пулеметдан амалга ошириш мумкин. Ўқлар зарбидан дарахтларнинг йўғон, одам билагидай келадиган шоҳлари ҳам дош беролмай, узилиб тушарди.

Пиёдалар йўлагига 20-25 яшар ўспирин йигит турган эди. Эгнида костюм ва оқ кўйлак. Унга ўқ теккан пайтда юзи билан ерга йиқилди ва унинг остида қонли кўлмак пайдо бўлди. Йигит бошқа қимирламади. Ўша жойда 40-45 яшар, оқ кўйлак кийган яна бир киши чўкка ҳолда ўтирган эди. У бир қўли билан кўкрагидаги ярани беркитишга ҳаракат қилар, бир қўли билан эса ерга тиралиб турар эди. У йўл четидаги бетон тўсиққа етиб бормоқчи бўлди. Тўсиққача масофа бир метрча бўлишига қарамай, судралиб бориш унинг учун осон эмас эди. Тўсиққа бир амаллаб етиб олгач, унга сўяниб олди ва оёқларини чўзиб ётиб олди. У атрофида нималар бўлаётганига эътибор бермас, фақат ярасидан оқаётган қонни тўхтатиш билан овора эди. Таҳминан 3 метрлар нарида 40-45 яшар эркак секин-аста эмаклаб келар эди. Унинг шими тиззасига тушиб қолган, у эса ҳадеб шимини кўтармоқчи бўлар эди. Кейинчалик билишимча, ўқ унинг киндик қисмига теккан, натижада эса камарини узиб юборган эди. Мен билан бирга дарахт орқасида 12-14 яшар бир бола ҳам яшириниб олган эди. У қўрқанидан тили калимага келмас эди. Болага беҳосдан ўқ тегиб кетмаслиги мақсадида, мен унинг ҳаракатларини доимий равишда назорат қилиб турдим. Ҳар бир дарахтнинг ортида камида 2-3 кишидан яширинган эдилар. Ўқларнинг зарби шунчалик эдики, ҳар ўқ текканда дарахтнинг сесканиши эшитилар эди.

БТР ўзининг эски позициясига қайтиб, яна йўл бўйлаб ҳаракатини давом эттирди ва йўл бўйлаб ётган одамларга қарата ўқ ота бошлади. БТР томондан ёнаётган ўқлар учиб келар эди. Ўқ ётганларга текканда эса, таналар кўтарилиб тушар, бу даҳшатни ўз кўзларим билан кўрмаганимда эса, ҳеч ишонмас эдим. Бутун йўл ётганлар билан тўла эди. Фақат йўлнинг чети бўш эди. Мендан 3-4 метрлар нарида 30-35 яшар бир йигит ярадор ҳолда ётар эди. У асосий тўпдан ажралиб, асталик билан йўл четидаги ариққа қараб юмалади. Ҳар бир юмалаганда, тўхтаб, қимирламай ётар эди. Ариқгача қандайдир ярим метрлар қолганда, уни ўқ қувиб етди. У бир сесканиб тушди-ю, остида қондан иборат кўлмак ҳосил бўлди. Йигит бошқа қимирламади.

Рўпарамдаги тўп бўлиб ётган одамлар орасидан бири, оғриқни кўтара олмади шекилли, "Отманглар!" дея бақира бошлади. Бир неча сониядан кейин унинг бошига

бирин-кетин иккита ўқ келиб тегди. Шу лаҳзада унинг боши тарвуз каби икки бўлакка бўлиниб, икки елкасига тушди. Мен имкони борича ўзимни тутишга ҳаракат қилдим. Ахир бундай манзарани кўрган ҳар қандай одамнинг эси оғиб қолиши ҳеч гап эмас.

(Шухрат, Швеция)

Биздаги маълумотларга қараганда, ана шу қирғин вақтида камида 300га яқин одам қурбон бўлган. Аммо гуруҳда мингдан ортиқ одам бўлганлигини инобатга олсак, қурбонлар сони яна ҳам ортиши мумкин. Чунки ўша қирғиндан жуда оз одамгина қутулиб қолган.

Агар бу маълумотларга қўшимча тариқасида, намоишчилар гуруҳи БТРларнинг устида ўрнатилган йирик калибрли пулеметлардан туриб ўққа тутилганлиги ҳақидаги гувоҳларнинг кўрсатмаларини инобатга олсак, бир-бирининг устида қалашиб ётган одамлар билан нималар бўлганлигини тасаввур қилиб кўринг-а. Яна бир респондентнинг кўрсатмаларидан: унинг тасдиқлашича, отишмадан сўнг, БТР кўча бўйлаб ётган одамлар устига бостириб бориб, ўликлар ва балким, хали тирик бўлганлар устидан ўтиб кетган.

Таркибида мингдан ортиқ одам бўлган иккинчи колонна биринчи колоннанинг кетидан, 5-10 минут фарқ билан йўлга тушди. Биринчи колоннадан фарқли ўлароқ, иккинчи колонна ўз йўлини камроқ қурбонлар билан босиб ўтди. Колонна "Чўлпон" кинотеатри ёнидаги муюлишга етиб борганда, автоматлардан ўққа тутилди. Энг кучли отишма "Алоқа уйи" ёнида рўй берди (тахминан етти қаватли баланд бино). Гувоҳларнинг айтишича, айнан ана шу бинонинг учинчи қаватидан, ҳамда қаршисидаги икки қаватли бинодан ўқлар отилган.

Колонна ҳаракатининг бошидан аёллар ва болаларни ўқлардан химоя қилиш мақсадида, колоннанинг ўртасига жойлаштирилган. "Чўлпон" кинотеатри ёнидаги отишма вақтида одамларнинг кўп қисми ўнг ва чап томонга қараб қочган. Қолган қисми йўлнинг ўртасида ётганича қолган. Орадан 5 дақиқа ўтиб, отишма бироз тингач, одамлар яна йиғилиб, кинотеатр томон ҳаракатни давом эттиришган. Респондентларнинг берган кўрсатмаларига асосан, йўлнинг ана шу участкасида рўй берган отишмада 10га яқин одам қурбон бўлган. Аммо, қурбонлар сони янада кўпроқ бўлган бўлса, ажаб эмас. Бизнинг респондентлар барча бўлиб ўтган воқеалар ва уларнинг тафсилотларини тўла эслай олишмади. Бунинг сабаби, улар ўша вақтда кўрганларидан шок ҳолатга тушишган ва барчаларининг хаёли фақат, қандай қилиб ана жаҳаннам тузоғидан қутулиб қолиш билан овора бўлган.

"Чўлпон" кинотеатрига етгач, колонна яна бир бор кучли ўққа тутилди. Бу сафар фақат автоматлар эмас эди. Респондентларнинг айтишича, автоматлар билан бир қаторда, овози автоматдан анча кучли бўлган қуролдан ҳам ўқ отилган эди. Бу яна бир бор, ҳарбийлар автоматлар билан бирга БТРларга ўрнатилган йирик калибрли пулеметлардан фойдаланишгани, халққа қараб ўқ отишганини исботлайди. Биздаги маълумотларга қараганда, у жойдаги отишма чоғида камида 15 киши қурбон бўлган, улар ичида биттаси аёл киши. Тирик қолганлар кинотеатр ёнидаги кўчага бурилиб кетишган ва тор маҳаллалардан ўтиб, қўшни Қирғизистон чегараси томон юришган. Иккинчи колонна билан қандай воқеалар юз берганини айтиб берган гувоҳлар анча кўп. Мана ўша хикоялардан бири:

... биз 600-700 кишидан иборат² колоннага тўпланиб "Чўлпон" кинотеатри томонга юра бошладик. Колонна асосан эркак ва ёшлар, айримлари хатто балоғатга етмаган

² Бу колоннадаги одамлар сони ҳақидаги маълумотлар бир-биридан фарқ қилади, 600-700 кишидан 1000 кишигача. Аниққи, бу рақамлар тахминий, чунки ҳеч ким ўша вақтда одам сонини ҳисобини юритмаган.

болалардан иборат эди. Андижон қурилиш техникуми олдига етканимизда, Чўлпон шоҳ кўчаси билан Бухоро кўчаси³ кесишган жойда ҳарбий "УРАЛ" русумли автомашина ва иккита БТР турганини кўрдик. Уларни кўргач, биз дарҳол тўхтадик. Ҳарбийлар билан бизнинг орамизда 100 метрлар масофа бор эди. Ҳарбийлар томонидан баланд овозда қандайдир мурожаатлар эшитилди. Биз ҳали ҳеч нарсага тушуниб улгурмай, ҳарбийлар томонидан колонна ўққа тутилди. Қирғин натижасида колоннанинг олдинги сафида келаётган 40-50 киши бирданига халок бўлди ёки қаттиқ яраланди. Қолганлар ерга ётиб олдилар. Ўқ отишлар кечгача, икки соатлар давом этди. Ҳарбийлар қоронғи тушиб, атрофда ҳеч нарса кўринмай қолгунча отдилар. Ўша куни кўча чироқлари ёқилмаган эди. Хатто уйларда ҳам чироқлар ёнмас эди. Ўқ отиш тингандан сўнг, юзга яқин одам халок бўлганлар устидан эмакляб ўтиб, йўл четига, техникум томонга чиқа бошладилар. Шунда ҳарбийлар яна ўша томонга ўқ ота бошладилар. У томондан ярадорларнинг қичқириғи ва қолганларнинг оҳу-фарёди, ёрдам ноласи эшитила бошлади. Йўл четига чиқиб олганлар, шу жумладан мен ҳам, бирин-кетин техникум дарвозаси остидан техникум ҳовлисига эмакляб бошладик. Дарвозалар қулф эди. Техникум ҳовлисида мен билан бирга 15 киши бор эди. Биз қолган ярадорларга ёрдам кўрсата бошладик. Ярадорларни топсак, уларни техникум ҳовлисига олиб киришга ёрдам берар эдик. У ерда эса қолганлар ярадорларни бино ичкарасига олиб кириб кетардилар. Ярадорларни ташиётиб, улар орасидан амакиваччам Исҳоқ Қодировни учратиб қолдим. У оёғидан ўқ еган экан. Мен унга ёрдам бериб, техникум ҳовлисига олиб кириб қўйдим. Барча ярадорларни ҳовлига тўплаб, яна бир бор текшириш учун "Тирик қолганлар борми?" деб чақирдик. Лекин ҳеч ким жавоб бермади. Шундай қилиб, биз жами 20-25 кишини топдик. Барча ярадорларни яраларини ювдик. Бино ичидан ёпинчиқлар топиб, уларни ўраб қўйдик. Шу вақтда хокимият томондан ҳарбий машиналарнинг овози кела бошлади. Улар борган сари биз томонга яқинлашиб келар эди. Шунда техникум дарвозасидан кўчага қарадик ва кўзимиз иккита БТРга тушди. БТРлар йўл ўртасида уюлиб ётган мурдалар олдига келиб тўхтади ва фараларини ёқиб, йўлни ёритди. Ундан кейинги манзара инсоннинг онгига сиғмайдиган даҳшатли эди. БТРлар мурдалар устидан бостириб ўтиб, Соё Гузар томонга ҳаракат қила бошлади. Мен ва яна бир неча киши техникумнинг орқа деворидан маҳалла томонга ўтдик. У ердан Комсомол кўли орқали Бўстон даҳасига, уйимга етиб олдим.

(Жамшидбек, Финляндия)

2005 йил 13 май кунги Андижон воқеаларининг жой харитаси

³ Хозирги Қосимов кўчасининг эски номи.



Бу иккинчи колоннада 150га яқин аёллар бор эди. Улардан бири 5 ойлик хомилали эди. Ундан ташқари 20га яқин ёш болалар ҳам бор эди. Болаларнинг айримлари ҳам яраланган эди. Ушбу колонна кечаси билан пиёда 25 км йўл юриб, чегарага етиб борди.

10 соат пиёда юриб, колонна эрталаб соат 6 яқин чегара ёнидаги Тешик тош посёлкасига етиб борди. У ерда ўзбек ҳарбийлари томонидан қўйилган тузоққа тўғри келди ва яна отишма бошланди. Чамаси 150 метрлар масофадан уларга қарата автоматлардан ўқ отилди. Гувоҳлар, ўша жойдаги ҳарбий камуфляждаги, қўлларида автоматлар билан қуролланган шахсларни кўрганини гапиришади. Ҳарбийлар ўша қўлидаги қуроллардан колоннага қарата ўқ очишган. 10 минутлар давом этган шиддатли отишмадан сўнг, ҳарбийлар машиналарига ўтириб, воқеа жойидан жўнаб кетишган. Гувоҳларнинг айтишича, ўша жойдаги отишмада учта аёл ва тўртта эркак халок бўлган. Кўпчилик жароҳатланган. Афсуски, бизда фақат тўрт кишининг ярадор бўлганлиги ҳақида аниқ маълумот бор холос. Улардан икkitаси кейинчалик касалхонага олиб кетилган ва ўша жойда олинган яралардан ёки бошқа сабабларга қўра халок бўлишган. Гувоҳларнинг келтиришича, ҳарбийлар отаётган пайтда, ерда

ётган одамлар бир неча бор ҳарбийларга ўқ отишни тўхтатишни сўраб, ёлворишган ва хатто оқ байроқлар кўтариб, силкитишган. Аммо ҳарбийлар уларга умуман эътибор қаратишмаган.

Кейинчалик тирик қолганлар чегарадан Қирғизистон худудига ўтиб олишга муяссар бўлганлар ва у ерда бошпана топиб, бошқа давлатларга кўчирилгунларича, жон сақлаганлар.

Тузоқда

Кўпчилик гувоҳларнинг айтишларича, 13 май куни кун ярмидан бошлаб, ҳарбийлар майдонга йиғилганларни қуршовга олиш ва майдондан чиқиш йўлларини тўсиб қўйиш операциясини амалга оширишни бошладилар. Кўпчилик намоийш қатнашчилари соат 17.00 га қадар майдондан кетишмоқчи бўлишган. Аммо бунинг иложи бўлмаган. Чунки майдонга чиқадиган Навоий шоҳ кўчаси, Комил Яшин кўчаси, Қизил Байроқ кўчалари барчаси ҳарбийлар ва БТРлар билан тўсиб қўйилган. Уларга яқинлашганда, аскарлар автоматлардан ўқ отишиб, намоийшчиларнинг тарқалишига йўл бермаганлар. Фақат биргина Чўлпон шоҳ кўчасига чиқадиган йўлгина очик бўлган. Ҳарбийларнинг бу ҳаракатларини синчиклаб ўрганиб чиқсангиз, амин бўласизки, улар пухта ўйланган режа асосида намоийш қатнашчиларини айнан ана шу йўлга юришга мажбур қилишган. У ерда эса, намоийш қатнашчиларини БТР, аскарлар ва снайперлардан иборат тузоқ кутиб турган. Шундай қилиб, ҳукумат аскарларининг тактик вазифаси намоийш қатнашчиларини Чўлпон шоҳ кўчасига юришга мажбур қилиш ва у ерда барчаларини ўраб олиб, йўқ қилишдан иборат бўлган. Яъни ҳукумат қўшинларига раҳбарлар томонидан намоийшни тарқатиш эмас, намоийш қатнашчиларининг барчасини айнан қириб ташлаш вазифаси юклатилган. Намоийш қатнашчиларининг ўзлари ҳам шундай хулосага келган эдилар. Мана намоийш қатнашчиларининг бирининг берган кўрсатмаларидан лавҳа:

... Мен сизларнинг эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман. Агар ҳукумат намоийшни тарқатмоқчи бўлган бўлса, у ҳолда майдонни ҳар тарафдан ҳарбийлар билан ўраб, чиқиш йўлларини, биронта ҳам жон ўтолмайдиган даражада тўсиб қўйишдан мақсад нима? Мен аминманки, ҳукумат аввал бошдан оқ, майдонда тўпланганларнинг барчасини йўқ қилишга қарор қилган. БТРлар майдонда турганларни тўғридан-тўғри ота бошлаган маҳалда, кўпчилик қатори мен ҳам майдонни тарк этиб, уйга кетмоқчи бўлдим. Аммо бунинг иложи бўлмади. Чунки барча кўчалар БТРлар билан тўсиб қўйилган эди. Мен Комил Яшин кўчаси билан кетмоқчи бўлдим. Аммо БТРларга етишга 200-300 метр қолганда, аскарлар огоҳлантиришсиз ўқ ота бошладилар ва мен ётиб олиб, орқага емаклаб қайтишга мажбур бўлдим.

(Илхом, USA)

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, ҳукумат қўшинлари пухта ўйланган режа асосида иш олиб борганлар. Уларнинг асл мақсади намоийш қатнашчиларини, намоийш ташкилотчисими, ёхуд оддий қатнашувчими, ким бўлишидан қатъи назар, ёппа қириб ташлаш бўлган. Ҳарбийлар эркак демай, аёл ёки бола демай, барчани баравакайига қириб бораверган. Оқибат айнан шундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Кўпчилик, ҳукумат музокара учун одам юборади деб, қаттиқ ишонган эди. Ҳеч бўлмаганда, намоийшни тарқатиб юборишади, деб кутишган эди. Лекин ҳеч ким, намоийш қатнашчиларини пухта ишлаб чиқилган режа асосида совуққонлик билан, ҳеч кимни аямай қириб юборади деб, кутмаган эди. Жуда кўпчилик аёллар соддадиллик билан, президент келади, халқнинг дардига қулоқ солади, деб

ишониб, ўз фарзандлари билан майдонга келган эди. Уларнинг соддаликлари ўзларига қимматга тушди. Мана шундай аёллардан бирининг айтганлари:

... 2005 йил 13 май куни президент Каримов келишини эшитиб, мен ҳам 5 нафар фарзандим билан Бобур майдонига келдим. Майдонда жуда кўп одам йиғилган эди. Чунки жуда кўп одамлар моддий ва маънавий қийинчиликларга дуч келган эди. Ишсизлик, даволаниш учун пул етмаслиги, амалдорларнинг адолатсизликлари, коррупция ва бошқа кўп нарсалар ҳақида гапиришмоқчи эди, йиғилганлар. Аммо, ҳеч ким келмади. Бунинг ўрнига улар бизларни ҳарбий машиналардан туриб отиб ташлади. Ўшанда майдонда 13-яшар боланинг халок бўлганини айтишди. Шундан сўнг жуда қаттиқ отишма бошланди. Бундай манзарадан мен ўзимни йўқотиб қўяй дедим ва беш нафар боламни олдимга олиб, оломон билан бирга Чўлпон шоҳ кўчасига қараб юрдик. Одам жуда кўп эди. Фарзандларим мени беш томондан ушлаб олиб, уввос солиб йиғлашарди. Болалар ва аёлларни шундай отиб ташлашганини мен кўриш у ёқда турсин, хатто, ҳеч қачон эшитмаган ва ўқимаган ҳам эдим.

(Розия, Австралия)

“Ворошилов мерганлари”

Кўпчилик гувоҳларнинг айтишларича, ҳарбийлар амалиёт вақтида снайперлардан кенг фойдаланишган. Улар олдиндан ўз белгиланган жойларини эгаллаб, Чўлпон шоҳ кўчасининг бўйидаги уйларнинг томлари, юқори қаватлари ва дарахтларга ўрнашганлар. Снайперлар асосан бош қисми мўлжалга олиб отишган. Шунинг учун ҳам кўпчилик гувоҳлар ўз кўрсатмаларида жуда одамлар бош қисмидан ярадор бўлиб, ўқ еганларини таъкидлашади. Снайперларнинг яна бир вазифаси, намойиш қатнашчиларидан ҳеч ким қочиб, Чўлпон шоҳ кўчаси бўйлаб жойлашган уйларнинг ховлиларига кириб яшириниб олишларига йўл қўймаслик бўлган. Мана айрим кузатувлардан намуналар:

Проспектга чиққанимизда, олдинда, қурилиш техникуми томонда БТРларнинг турганини кўрдик. Кўчанинг икки томонидаги уйларнинг томларини эса, аскарлар ва снайперлар эгаллаган эди. Ҳар тарафдан биравакайига қуролсиз одамларга қарата отишни бошладилар. Шунда биз ҳаммамиз ерга ётиб олдик ва ҳар дақиқада ўлганлар сони ошиб бораверди.

(Илхом, USA)

... Кўпчилик одамлар бош қисмидан ўқ тегиб, яраланган эди. Табиийки, бу снайпернинг иши эди. Снайперлар ўз вазифаларини совуққонлик билан бажаришарди. Қоронғи тушган бўлишига қарамай, ҳаммамиз қимирламай ётар эдик. Мен хатто, қимирлашга ҳам қўрқар эдим. Чунки снайперлар ўз ўлжасини беҳато урар эдилар. Қичқирганлар орасида мен ўз амаким, 1968 йилда туғилган Азимов Авазбек Холдоровичнинг овозини, ҳамда яна бир қариндошим, 1961 йилда туғилган Мамадхонов Музаффарларнинг овозларини танидим. Улар иккиси ҳам ярадор бўлган ва ёрдам беришларини сўраб, илтижо қилишар эди. Лекин мен уларга ёрдам беришга ожиз эдим. Мен бошимни кўтариб, олдинга қараганимда, халок бўлган одамнинг жасадини кўрдим. Унинг қорин қисмида нимадир ёнаётган эди. У ёрқин олов бўлиб ёнар, атрофга эса учқунлар отар эди. Бу бир неча сония давом этди. Бу, инсон танасига тегиб, ёнишда давом этадиган ўқ эди. Бир неча соат олдин мен шундай ўқлардан бири 30-сонли мактаб биносининг деворига текканини кўрган эдим.

Ёмғир ёғаётган эди. Секин-аста одамларнинг овози тина бошлади ва атрофни сукунат ўраб олди. Бу тахминан соат 23.00-24.00 лар ораси эди. 15-мактабнинг дарвозаси очик турганини кўриб, мен у томонга ўтишга ҳаракат қилдим. Бунинг учун мен бир неча метр жойга, жасадлар устидан югуриб ўтишим керак эди. Мен ўрнимдан тура солиб, бошимни эгиб, югура бошладим. Орқамдан яна 3-4 киши югуриб кетишди. Яна отишма бошланди. Мен жасадлар устидан югуриб ўтиб, яна ётиб олдим ва тўғри кўлмак сувга тушдим. Орқамдан югурганлар эса, югуришда давом этавердилар. Ўқ олдин мени олдимда югуриб кетаётганга тегди. У йиқилди ва шу бўйи бошқа ўрнимдан турмади. Иккинчи одам мактаб дарвозаси олдида ўқ тегиб йиқилди. У мактаб ховлиси ичига йиқилди ва у ҳам бошқа қимирламади. Учинчи одамни, мактаб панжарасидан ошиб ўтаётганда, отишди. У панжарадан учиб, гурсуллаб ерга йиқилди. Бечора, қоронғида мактаб дарвозаси очик турганини кўрмай қолган шекилли, панжарадан ошиб ўтмоқчи бўлди. Мен эмаклаб бориб, мактаб ховлисига кириб олдим.

(Азизбек, Швеция)

Снайперлардан фойдаланиш, улар олдиндан ўз жойларини эгаллаб, колоннанинг келишини кутиб турганлиги, яна бир бор ҳукумат бу операцияни олдиндан пухта режалаштиргани, тинч намоийшчиларни бутунлай қириб ташлашни мақсад қилганини кўрсатади. Снайперлар, олдиндан ўз ҳарбий қўмондонлари томонидан жиддий кўрсатмалар олган кўринади.

Фожеа давом этади

“Филтрлаш” операцияси

2005 йил 13-14 май воқеаларидан сўнг Ўзбекистон ҳукумати ҳар томонлама “тозалаш” ишларини йўлга қўйдилар. Агар 13-14 май куни ҳукумат қўшинларининг вазифаси, намоийш қатнашчиларини ҳар томонлама қуршовга олиб, ҳарбий қуроллар, йирик калибрли пулеметлар, Калашников автоматлари ва снайпер милтиқлари ёрдамида намоийшчиларни қирғин қилиб, йўқ қилиш бўлган бўлса, қирғиндан сўнг ҳам вазифа ўзгармади, фақат уни амалга ошириш услублари ва воситалари ўзгарди. Ҳукуматнинг ҳаракатларини мантиқий мулоҳаза қилиб кўрилганда, улар олдида намоийш қатнашчиларининг барчаларини аниқлаш, қўлга олиш, ва охир-оқибат, ким бўлишидан, намоийшда нима сабабдан иштирок этганлигидан қатъи-назар, қирғин гувоҳларини йўқ қилиш вазифасини қўйган эдилар.

Намоийш қатнашчиларини аниқлаш масаласи “қор кўчмаси” услубини эслатади:

- Аввало, қочоқларни Қирғизистон ҳудудига қочиб ўтиш йўлларини тўсиш;
- Барча қочишга уринганларни ушлаш ва хибсга олиш;
- Боғишамол даҳаси, 23 тадбиркор ва уларнинг яқинлари ва издошларининг яшаш жойи ва иш жойида жойлашган жамоанинг, имкони борича барча аъзоларини хибсга олиш;
- 13 ва 14 май куни яраланганларни барчасини хибсга олиш ва уларни намоийшнинг фаол ташкилотчилари деб хисоблаш;
- Шундан сўнг, қийноқлар ва тергов ёрдамида қолган иштирокчиларни аниқлаш.

Давлат раҳбарлари ва ҳуқуқ-тартибот органларининг рухсати ила тергов органларининг қўли бўшади ва улар намоёишнинг барча иштирокчилари ва гувоҳларни аниқлаш мақсадида, исталган услублар, хатто энг оғир қийноқларга солиш воситасида маълумотлар тўплашга киришдилар. Шу билан бирга, майдонга нима сабабдан бориб қолгани ҳеч кимни қизиқтирмади. Ўша куни майдонда бўлганлар барчаси оммавий йўқ қилиниши зарур эди. Айрим гувоҳларнинг кўрсатмаларига кўра, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўзлари, раҳбарлари номидан ҳар қандай усулни, хатто, тергов ва судсиз ўлимга маҳкум қилишгача, қўллаб, гувоҳларни йўқ қилиш вазифасини олганликларини тан олишган. Хавфсизлик идораларининг панжаралари ортида бўлган гувоҳнинг кўрсатма беришича:

Мени ва яна бир неча кишини чақиришди ва қандайдир бир хонага олиб киришди. Кийимларимизни ечишни буюришди. Кийимларимизни ечиб, яланғоч ҳолда қолдик. Ҳарбий кийимдаги бақувват йигитлар турли хил сўзлар билан ҳақорат қилишар эди. Уларнинг қўлларида резина таёқлари бор эди. Жуда қаттиқ уришди. Бошимизни кўтаришни иложи йўқ эди. Бошимизни бурмасдан, фақат полга қараб туришни буюришди. Биз қип-яланғоч ҳолда, бошимизни эгиб турардик. Улар бизларни навбатма-навбат таёқ билан уришар, оёқлари билан тепишар эди. Пистолетни пешонамизга тираб, отиб ташлаш билан қўрқитишар эди. Улар, бизларни ҳеч қандай сабабсиз отиб ташлашга ҳаққилари борлигини, раҳбарлари рухсат берганлигини айтишди.

(Ортиқали, турмада қийноқлардан ўлган Фиёсиддин Умаровнинг иши бўйича гувоҳ)

Ана шу юқоридан берилган, эхтимолки, шахсан президент томонидан берилган кўрсатмага асосан, тергов даврида мамлакатда қийноқларга солиш ҳоллари кенг миқёсда қўллана бошланди. Ўзбекистон куч ишлатар органлари ўзларининг бешавқатлиги ва махбусларни қийноқларга солишга “моҳирлиги” билан танилгандир. Аммо Андижон воқеаларини текширув жараёнида шавқатсизларча қийноқлар амалиёти шу даражага етдики, буни фақат немис Гестапоси билан таққослаш мумкин, холос.

Табиийки, Андижон шаҳар аҳолиси асосий текширув объектига айланди. Милиционерлар бу жараённи “филтрлаш” деб аташди. Жараён қандай кечарди: ҳар қандай гумон қилинган шахсни олиб кетишади, уни ИИБ (Ички ишлар бошқармаси)га ёки МХХ (Миллий хавфсизлик хизмати)га келтиришади, у ерда шахсни қийноқларга солишади, тергов соҳасида катта тажрибага эга психологлар иш олиб боришади. Кейинчалик ушланган шахсни ёки қўйиб юборишади, ёки турмага ўтказишади, ёки уни қийноқлар ёрдамида ўлдиришиб, жасадини майитхонага жўнатишади.

Бизда ана “филтрлаш” жараёнидан ўтган гувоҳларнинг кўрсатмалари бор. Улар қуйидагиларни тасдиқлашади: Қўлга тушганларни давомли равишда автобусларда олиб келишган. ИИБнинг омборлари ва ертўлалари махбуслар билан тўлиб кетган. Жой етмаганлигидан махбуслар махбуслар ташийдиган махсус автомашиналарда сақланишган. Уларнинг ҳар бирида 20тадан одам жойлашган. Кишанлар етмаганидан, хибсга олинганларнинг қўлларини оёқ кийимининг чизимчаси билан боғлашган.

Айрим хибсга олинганларнинг иши судга оширилган. Human Rights Watch ташкилотининг маълумотларига кўра, 2005 йил сентябридан 2006 йил январига қадар 245 киши судланган

ва ҳукм қилинган⁴. Шулардан фақат 15 киши очик суд мажлисида иштирок этган. Қолган 230 кишининг иши ёпиқ суд мажлисларида кўрилган ва шу билан Жиноят-Процессуал Кодекси ва халқаро адлия нормалари кўпол равишда бузилган.

Бизда фақат судланган 220 киши ҳақида маълумот бор (5-Иловадаги ҳукм қилинганлар рўйхатига қаранг). Озодликдан маҳрум қилиш муддатлари 5 йилдан 21 йилгача. Ҳозирда уларнинг барчалари жазони ўташ жойларида ўз муддатини ўтаяптилар. Муддати тугаб қолганларнинг эса турли сабаблар билан, масалан лагер тартибини бузганликда айблаб, яна муддат кўшиб бермоқдалар. Турма тилида бундай муддат узайтириш жараёни "раскрутка" деб аталади.

Иши судга оширилганлар билан бир қаторда, шундай тоифа одамлар борки, уларнинг кейинги тақдири номаълум бўлиб қолган. Ҳозирда бизда 15 ана шундай бедарак йўқолган шахслар ҳақида маълумот бор (2-Иловадаги рўйхатга қаранг). Бу хали сўнги хулоса эмас. Жабр кўрганларнинг ҳақиқий кўламини аниқлаш осон эмас, чунки жуда кўп Андижон шахрининг аҳолиси кўрқувда яшайди, уларнинг кўплари нафақат гувоҳлик бериш, хатто телефонда гаплашишга ҳам кўрқишади. Андижон воқеаларидан кейинги даврнинг бошларида хиссиётда ҳамма бўлган воқеаларни очик айтишга уринган жуда кўп одамлар ё ўз хаётларидан, ё озодлигидан маҳрум бўлдилар.

Боғишамол даҳасида яшовчи маҳаллий шахснинг сирли ўлими ҳақидаги маълумотлар жуда кенг тарқалгандир. У шахс, оммавий қирғиндан сўнг, йиғилган жасадларни муслмончилик қоидаларига хилоф равишда, яширинча оммавий дафн қилишаётганининг гувоҳи бўлган. Кейин бу ҳақда маҳаллада кўни-кўшнига айтиб берган. Бироз вақтдан сўнг уни пичоқ билан ўлдирилган ҳолда топишган. Маҳалладагилар Жўрабойни (у шахснинг исми) МХХ ходимлари ўлдирганликларига шубҳа қилишмайди. Бу ҳақда қочоқлар лагерида Жўрабойнинг кўшнилари гапириб беришган. Бу ходиса ҳақида "Озодлик радиоси" ва "Радио Свобода" агентликлари ҳам хабар беришган.

Май воқеалари билан боғлиқ хибсга олинганлар орасида яна бир тоифа шахслар бор. Булар қийноқлар туфайли тергов жараёнида ёки турмада вафот этганлар. Бизга хозир тўққизта ана шундай, жасадлари оила аъзоларига, қариндошларига қайтарилган шахслар маълум (3- ва 4-Иловага қаранг). Айрим ҳолларда жасадларда кўплаб, хаёт билан мос келмайдиган жароҳат излари мавжуд бўлган. Мана, ана шундай жароҳатлардан айримлари:

- Танада мавжуд жуда кўп мўматалоқлар изи;
- Суяк ва қовурғаларнинг очик ва ёпиқ синиғи;
- Қулоқ, бурун ва оғиз бўшлиғи атрофларидаги кўплаб қонталаш излар;
- Кўпларининг танасида кесилган жойлар ва пичоқ билан етказилган жароҳатлар изи мавжуд;
- Қўл ва оёқ бармоқларида тирноқларнинг йўқлиги;
- Айрим эркаларнинг жасадларида жинсий аъзолари жуда қаттиқ жароҳатланган ёки умуман йўқ бўлган;
- Жуда кўп жасадларда ўқ жароҳатлари мавжуд бўлган.

Мисол тариқасида мен гувоҳлардан бирининг ҳикоясидан парча келтирмоқчиман. Унинг онаси намойишнинг эртаси куни эрталаб чегара ёнидаги Тешик Тош қишлоғида яраланган.

⁴ The Andijan Massacre: One year later, still no justice. Human Rights Watch, 2006.
<http://www.hrw.org/backgrounder/eca/uzbekistan0506/>

14 май куни ярадор бўлган онамни Жалолқудуқ район касалхонасига олиб келишди. У ерда эса, ички ишлар ходимларининг кўрсатмасига асосан, Андижон шаҳрига, вилоят касалхонасига жўнатишди. Ўша кунлари вилоят касалхонаси МХХ Андижон бошқармасининг назорати остида бўлган ва тергов изоляторига айлантирилган эди. Онам ҳам 14 майдан 22 июлгача ўша касалхонада бўлган. Оила аъзоларимизга олдиниға онам билан кўришмоқликка рухсат беришмади. Лекин 3-4 бор қилган мурожаатларидан сўнг кўришишга рухсат беришди. Онамни доимий сўроқ қилишарди. Бу ҳақда менга Ўзбекистонда қолган турмуш ўртоғим айтиб берган. У онамни олдиға кириб, кўришган ва гаплашишга муваффақ бўлган. Онамнинг айтишича, ярадорлар олдиға фақат иккита йўл бўлган.

Биринчиси, улар 13 май воқеаларида ўз фарзандларининг айбдорлигини тан олишиб, ёлғон гувоҳлик беришлари керак. Ана шундай ёлғон гувоҳлик берганларни қийнамай ўлдиришга ваъда беришган. Акс ҳолда, бу иккинчи вариант, уларни аъзоблаб ўлдиражакларига ваъда беришган.

21 июль куни турмуш ўртоғимға онам билан кўришишга рухсат беришган. Ўшанда улар ёлғиз қолишганда, онам шуларни турмуш ўртоғимға гапириб берган. Онамнинг охириги сўзлари: " Бу қийноқларға энди чидашға тоқат қолмади. Ўғлим билан кўришганингизда, унга айтинг, мен ўз хоҳишим билан, мени ўғлим террорист ва экстремист деб ёзиб берганим учун, мени умрбод айбдор қилмасин." Шундан сўнг уни Андижон шаҳридаги УЯ-64/Т-1 турмасига олиб кетишди.

Эртасига, 22 июль куни иккита ҳамшира ва бир неча милиция ходимлари онамнинг жасадини уйға олиб келишди ва кўп одам тўпламасдан, тезлик билан жасадни дафн этишни тавсия қилишди. Шунда турмуш ўртоғим сўнгги бор онам билан хайрлашиш учун юзини очишға рухсат олди. Улар жасадни очиб қарашганда, унинг танасида кўплаб, жароҳат излари, оғзи атрофида эса, қон излари борлигини кўришган. Мана шундай, қийноқлар ва азоблар билан улар онамни ўлдирдилар. Менимча онам барибир менға қарши гувоҳлик беришни хоҳламаган. У дунёға соф виждон билан кетишни афзал билган.

(Шамсиддин, Швеция)

Айрим ҳолларда, махбуслар қийноқлар ва азоблар туфайли тирик қолишган бўлсаларда, улар ўз соғликларини йўқотишган, турли хил оғир дардларға чалинишган. Бундай ҳолатларда касалға керакли эътибор қаратилинмаган ва лозим бўлган даволаниш амалиётлари ўтказилинмаган. 2010 йил сентябр ойида, доимий қийноқлар, шавқатсизларча муносабатлар ва даволашдан раъд қилиш натижасида турмада хаётдан кўз юмган Ғиёсиддин Умаровнинг фожеали тақдири хали Андижон фожеаси тугамаганлигининг яққол белгисидир. Фожеа турли кўринишларда ҳамон давом этмоқда:

- Юзлаб намоиш қатнашчилари ва қонли қирғиннинг гувоҳлари хали ҳам жазони ўташ жойларида сақланмоқда ва уларға нисбатан доимий равишда қийноқлар ва шавқатсиз муносабатлар қўлланилмоқда;
- Чет элларда мухожирликда яшашға мажбур бўлган қочоқларнинг оила аъзоларига чет элга чиқиш визасини бермаслик;
- Ва ниҳоят, юртда қолган қочоқларнинг оила аъзолари ва яқинларини камситиш ҳоллари.

Қочоқларнинг қариндошлари ва қайтиб келганлар – нишон остида

Айрим ҳолларда, Фарб мамлакатларида қочоқлик мақомини олишга эришган қочоқларнинг уйда қолган оила аъзолари ва яқинлари сўроқ қилинган. Сўроқ вақтида уларга қўпол муносабат қилишган, турли сўзлар билан ҳақорат қилишган, эркак ёки аёллигига қарамай, камситишган. Биз бир нечта ана шундай ҳолатларни ҳужжатли қайд этдик. Уларга доимий равишда босим ўтказилмоқда, давлат амалдорларининг кўрсатмаларини бажармаган ёки бажаришдан бош тортган вақтда эса, жазолаш билан кўрқитишмоқда. Терговлар адвокатлар иштирокисиз ўтказилиши одатий ҳолга айланган, ҳолбуки, қонун бўйича ҳар бир сўроқ вақтида давлат томонидан бепул тайинланган адвокат иштирок этиши шарт. Сўроққа чақирилган одамлар соатлаб ўз навбатини кутиб ўтиришга мажбур. Жуда кўп ҳолатларда, соатлаб кутган одамларга терговчилар сўроқ қилиш бошқа кунга кўчирилганини эълон қилишади, аммо бу ҳолат учун, оддий инсонийлик нуқтаи-назаридан кечирим сўрашмайди. Сўроққа чақирилганлар турли хил ҳужжатларга имзо чекишга мажбурлар. Бу ҳужжатларда улар ўз ҳоҳишлари билан ўзларининг эркинликларини чеклашади ва ушбу қоидаларни бузган тақдирда жазолашларини сўрашади. Яна улар турли хил тушунтириш хатлари ёзишга мажбур бўлаяптилар. У ҳужжатларда ўзлари қилмаган ҳаракатларни қилганлигини тан олишга ва шу ҳаракатлар учун кечирим сўрашга мажбурдирлар.

Ҳукумат маҳалла қўмиталари, мактаблар ва бошқа идоралар орқали ҳам қочоқлар ва судланганларнинг оила аъзоларига ва яқинларига босим ўтказмоқдалар, фарзандларини камситадилар, оммавий шарманда қилишга ҳаракат қиладилар. Маҳалла қўмиталари мажлислар ўтказиб, мажлисларда қочоқларнинг оилаларини ҳаммининг олдида муҳокама қилишмоқда. Худди шундай ишларни мактабларда ўқитувчилар қочоқларнинг фарзандларига нисбатан амалга оширмоқдалар.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон ҳукумати қочоқларнинг оилалари билан бирлашишга ҳар томонлама тўсиқлик қилмоқдалар. Мана беш йилдирки, бундай оилалар бир-биридан айрилиқда яшамоқдалар. Аммо, шунга қарамай, уларга чет элга чиқишга рухсат берилмаётир. Андижонлик қочоқларнинг аёллари, оналари ва фарзандларига очиқ қўпол, ҳақоратли равишда раъд қилинмоқда.

Маълумки, қочоқлардан бир қисми, 70 киши (21 аёл ва 47 эркак), яқинлари билан айрилиқни кўтара олмай, уйига қайтган эди. Улар уйга қайтиб келишлари билан биринчи навбатда барчаларини оммавий равишда қилмаган гуноҳлари учун кечирим сўрашга мажбур этдилар. Чунончи, уларнинг кечирим сўраш жараёни суратга олиниб, телевидение орқали намойиш этилди, газеталарда чоп қилинди. Эркаклар ҳар 15 кунда сўроққа келишлари ва у ерда нима билан шуғулланганликлари ҳақида батафсил гапириб беришлари шарт эди. Шу билан бирга, улар ўзларига нисбатан айтилган ҳақоратли сўзлар ва турли кўрқитишларни ҳам эшитишга мажбур эдилар. Аёлларни камроқ чақиришади. Биз қайтиб борганлар билан кўп маротаба алоқа ўрнатишга ҳаракат қилдик, аммо ҳар сафар раъд жавоби олдик. Айримлари билан бироз мулоқот ўрнатишга муяссар бўлганимизда, улар бошқа телефон қилмаслигимизни ва уларни тинч қўйишимизни илтимос қилишди. Уларни ҳали ҳам сўроққа чақиришади, аммо олдингидай тез-тез эмас. Лекин шунга қарамай, улар ҳали ҳам биз билан боғланишга кўрқинмоқдалар.

Биздаги маълумотларга қараганда, қайтиб борганларнинг ҳеч бири шу кунгача ишга жойлаша олмаган. Ишаг жойланганда эса, иш берувчини МХХ ёки ИИБ га сўроққа чақирганликлари ҳолатлари ҳам аниқланган. Шундан кейин иш берувчилар қочоқни дарҳол

ишдан бўшатган. Айрим қочоқлар мардикорлик қилишиб, уйларда ишлашган пайтда, уй эгаларини ҳам сўроққа чақирганлик ҳолатлари ҳам бўлган.

2010 йилнинг бошида Австралияда қочоқлик олган Дилором Абдуқодирова, оиласи билан бирлашиш мақсадида, Ўзбекистонга қайтиб борган. Амо у аёл 2010 йилнинг 12 март куни қамоққа олинган ва 10 йил 2 ойга озодликдан маҳрум этилган. Дилором Абдуқодирова “давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтишлик” ва “Конституциявий тузумга таҳдид солиш” каби жиноятларда (ЎЗР ЖКнинг 223- ва 159-моддалари) айбланган.

Хулоса

Биз ўтказган тадқиқотлар, 13 ва 14 май куни бўлиб ўтган оммавий қирғин қурбонлари кўлами, расмий ҳукумат берган маълумотлардан кескин фарқ қилишини кўрсатди. Қочоқлар билан ўтказилган чекланган сўровномалар ёрдамида олинган маълумотлар асосида 500га яқин одамнинг қурбон бўлганликларини ҳужжатлаштиришга эришдик. Ўша икки кунда қурбон бўлганлар рўйхатига, кейинчалик қамоққа олинган, аммо турмада қийноқлар натижасида ҳалок бўлганларни ҳам қўшиш лозим. Биз 9та ана шундай одамлар ҳақида маълумотга эгамиз. Ҳақиқатда эса, бундай одамлар сони кўп бўлиши мумкин, чунки жасадларни оилаларга қайтариш чоғида, оила аъзоларига бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаслик ҳақида огоҳлантиришади ва жасадни зудлик билан дафн этишларини талаб қилишади.

Юқоридаги рўйхатга яна бедарак йўқолган 15 кишини ҳам қўшиш лозим. Бу бедарак йўқолган одамлар Боғишамол даҳасида яширинча дафн этилган оммавий қабрлар орасида эканлиги, ёки тергов вақтида ички ишлар ходимлари томонидан ўлдирилган, жасади эса оила аъзоларига қайтарилмаганлиги ҳақидаги таҳминларимизга жиддий асослар бор.

Шу билан бирга 220та биродарларимиз режимнинг қурбонига айланишган. Ўзбекистон турмаларида ўтирган бу дўстларимиз, 13 май намоёнишига ҳеч қандай алоқаси йўқ, балкимда, намоёиннинг оддий иштирокчиси бўлишган. Уларни тергов қилиш жараёнида, уларнинг ёнига адвокатлар қўйилмаган, демакки, адолатга чеклов қўйилган. Суд мажлислари жараёнида ҳам Ўзбекистон қонунлари ва халқаро нормалар кўпол равишда бузилган. Ҳозирда эса улар, айниқса, қариндошларидан кимдир қочоқ бўлиб, чет элда қочоқлик мақомини олган маҳбуслар турли даражада оғир қийноқларга солинмоқдалар.

Айни вақтда, тинч аҳолини оммавий равишда қирғин қилганликда айбдор асосий жиноятчилар ҳамон озодликдалар. Аммо биз ишонамизки, адолат бир кун қарор топади ва жиноятчилар жиноятига яраша жазо олади. Бизнинг тадқиқотларимиз ана шу адолат тантанаси йўлидаги қадамдир. Бу сиз Ватанни тиклаб бўлмайди.

Биз ҳоҳлардикки, ғарбдаги демократик давлатлар, биз, андижонлик қочоқларга кўрсатган инсонийлик ёрдами билан чекланиб қолмасин. Албатта, бизнинг ғарб давлатларига кўчишимиз ва у ерда қочоқлик мақомини олиш масаласи жуда тез ҳал бўлди. Бу давлатлар бизни жуда илиқ ва самимий кутиб олишди, бошпана беришди. Биз бунинг учун улардан умрбод миннатдоримиз. Аммо, шу билан бирга, ғарб давлатлари бизни ўз кураш йўлимизда қўллаб-қувватлашларини, ҳақиқатни юзага чиқаришда биз билан бирга бўлишларини истар эдик. Бунинг учун эса, аввало, юзлаб бегуноҳ одамларнинг қирғин қилинишида айбдорларни аниқлаш лозим.

Шу билан бирга, биз ғарб давлатларидан оилаларимиз билан бирлашиш йўлида, Ўзбекистон турмаларида азоб чекаётган ота-боболаримиз, ака-ука, опа-сингилларимизга нисбатан қўлланилаётган қийноқларга чек қўйишда қўллаб-қўллашларини истар эдик.

Иловалар

Илова 1. Интервьюдан лавҳалар

2005 йил 13 май куни мен маршрут таксида Ғаллабанк биноси ёнига келдим. Ғаллабанк биноси хокимият биносидан 200 метрлар нарида жойлашган. Хайдовчи, у ёнига йўл берклиги ва пиёда юриш кераклигини айтди. Мен шундай қилдим. Банк биноси ёнида автосервисда ишлайдиган Ботир исмли дўстимни учратиб қолдим. Мен бир пайтларнинг унинг уйида қурилиш ҳам қилган эдим. У йўлнинг ўртасида турган эди. Кейинроқ билсам, у давлат одамлари томонидан бўлиши мумкин бўлган ифвонинг олдини олиш учун турган экан.

Мен у билан кўришишга улгурмай, қандайдир енгил автомашина келиб қолди ва намойиш бўлаётган томонга ўтиб кетмоқчи бўлди. Дўстим машинани тўхтатмоқчи бўлди. Машинада 2 киши ўтирган эди. Шу пайт машина ичидагилардан бирининг қўлида Калашников автомати пайдо бўлди. Ботир машинага яқинлашганда, автоматдан отилган ўқ овозлари эшитилди. Машинада ўтирганлар. машинанинг қия очик ойнасидан отган эдилар. Бу ходиса мендан 4-5 метр нарида содир бўлгани учун гангиб, шошиб қолдим. Ботирнинг жонсиз танаси ерга йиқилди. Оғзидан ва бурнидан қон кетди. Жасад атрофидаги асфальтга қандайдир сарғимтир бўлақлар сачраган эди, менимча, миянинг қандайдир қисмларидан бири бўлса керак. Мен таъсирда эдим. Автоматдан отган одам машинадан тушиб, намойишчилар томон чопиб кетди. У ўнг қўлида автомат ушлаган, автомат эса ерга қараб отарди. Чап қўли билан бошини ушлаб олган эди. Менимча, у нима қилаётганини ва қаерга кетаётганини ўзи ҳам тушунмас эди. Кейин у одам билан нима бўлганлигини билмайман.

Ботирнинг жасадини гиламга ўраб, хокимият биносини ўраб турган панжаралар олдига олиб боришди. Мен Бобур номли марказий майдонга келганимда, майдон намойишчилар билан тўлганлигини кўрдим. Намойишчилар нутқ сўзлашар, ўз нутқларида ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсатидан норозиликларини билдиришарди. Намойишчилар орасида аёллар, болалар ва қариялар бор эди. Майдон ўртасида, хайкал остида микрофон ўрнатилган, одамлар ана микрофонда ўз муаммолари ҳақида гапиришарди. Одамлар ишсизлик, бечоралик, адолатсиз суд ҳукмлари, ҳеч қандай айб қўйилмасдан, одамлар йиллаб ўтирган турмалар ҳақида гапиришарди. Ҳукумат ва куч ишлатар тизимларнинг ноқонуний ҳаракатлари ва бошбошдоқлик, булар ҳаммаси ўйлайманки, одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Ўша куни кўпчилик бир-бирини табриклар, одамлар юзида кулгу, хурсандчилик бор эди. Улар энди хаётида қандайдир ўзгаришлар бўлишига умид қилишаётган эдилар. Бу кечгача, намойишчиларга қарата тартибсиз ўқлар отилган вақтгача давом этди. Иккита ҳарбий техника, бири БТР ва яна бири "УРАЛ" русумли автомашина, Навоий шоҳ кўчаси бўйлаб катта тезликда "Чўлпон" кинотеатри томон ҳаракатланиб, ҳаракат давомида намойишчиларга қарата узлуксиз ўқ отишни бошлади. Микрофон олдида турганлар ҳаммани тинчлантира бошлашди, ўқлар ҳақиқий эмас, ҳукумат тинч аҳолини отишга ҳадди сифмайди дейишди. Бир неча дақиқадан сўнг ҳарбий техникалар орқага қайтди ва яна ота бошлади. Бир неча сониядан сўнг ўқлар ҳақиқий эканлигида ҳеч кимда шубҳа қолмади. Ўқлар

асфальтга текканда, учкун сачрата бошлади, одамлар эса жонсиз ҳолда ерга йиқила бошладилар. Нариги ёқда, йўл бўйида ўқ бир аёлнинг бошига тегди ва ўша ерда жон берди. Тўрт киши у аёлни кўтариб, бир четга олиб ўтишди. Юзига рўмол ташлаб қўйилган, рўмол қон изидан қизариб кетган эди. Яна бир ярадор аёлни хокимият биноти ичига олиб кириб кетишди. Одамлар эсанкираб қолишди. Айримлари, кўрганларидан ғазабга тўлди. Эркак, аёл ва болаларнинг қонга беланган таналари, узилиб кетган қўл-оёқлар, ярадорларнинг инграши – булар ҳаммаси одамларнинг ғазабини келтирди ва сўнгги чоралар кўришга мажбур этди. Аввало, ҳарбий техникаларнинг бемалол харакатланишини чеклаш учун шоҳ кўчани тўсиб қўйиш зарур эди. Аввалига мен жуда қўрқиб кетдим ва ҳаммасини ташлаб, тезроқ қочиб қолишни ҳоҳладим. Аммо, бироздан кейин ўзимга келиб, баррикадалар қуришга ёрдам бера бошладим. Бу баррикадалар ҳарбий техникалар йўлига тўсиқ бўлиши керак эди. Тез орада йўл бўйлаб, баррикадалар пайдо бўла бошлади. Одамлар қўлига кирган нарсани ташишар эди. Гултуваклар, байроқлар илиб қўйиладиган металл конструкциялар, хатто, хокимият биноти ёнига қўйилган автомобиллар ҳаммаси ишга солинди. Кимдир бўш шиша бутилкалар топиб келди. Шиша идишларни бензин билан тўлдириб, оғзига тутантирик текиб қўйишди. Ҳаммаси қўл учидан тезлик билан қилинар эди. Шошилиш керак эди. Бироз танаффусдан сўнг яна автоматлар ва пулеметлардан отишма бошланди. Бу сафар энди А.Навоий боғи билан 30-ўрта мактаб оралиғида отишарди. УАЗ ҳарбий автомашинаси, унинг кетидан БТР биздан 300 метрлар нарида тўхтади. Дарахлар ва кўкатлар кўп бўлгани учун, ҳарбийлар намоёнчиларни яхши кўра олмас эдилар. Ундан ташқари, 30-мактабнинг деворлари майдонни қисман тўсиб турар эди. Аскарлар фақат ўзларига кўринган томонга қарата ота бошладилар. Ўқлардан бири фиштли бино деворига текканда, деворда диаметри 30см ларча, чуқурлиги эса 5см ларча бўлган йиқ пайдо бўлди. Ўқ эса деворга кириб, бир неча сония тутаб, атрофга учкун сочиб ёна бошлади. Мен ўша мактабда ўқиганлигим учун, атрофни яхши билардим. Мен ҳарбий техникалар турган жойга яқинроқ бориб, тепадан ёнилғи тўла бутилка ташламоқчи бўлдим. Бутилкалардан бирини гугурт билан бирга олиб, мактаб деворидан ошиб ўтиб, бир қаватли уйларнинг эскирган томлари бўйлаб ўта бошладим. Ҳарбийлар турган жойга боргунимча, БТР, УАЗни қолдириб жўнаб кетди. УАЗ ичидан ҳеч ким йўқ, фақат кийим солинган бир неча рюкзак ва яшик тўла балиқ консервалари бор эди холос. Биз машинани юргизиб кўрмоқчи бўлдим, аммо уддасидан чиқмадик. Шунда биз балиқ консерваларини олиб, майдонга қайтдик.

Майдонга келганимизда, майдон бўш, ҳеч ким йўқ эди. Майдонда ёлғиз кезиб юрган одамни учратиб, ундан одамлар ҳақида сўрадим. У намоёнчилар ҳаммаси “Чўлпон” кинотеатри томон кетганини айтди. Кейинчалик маълум бўлишича, намоёнчилар тирик қолиш мақсадида, иккита колоннага бўлиниб, “Чўлпон” кинотеатри томон кетишган эди. Ёмғир ёғаётган эди. Осмонда момақалдиरोқ овозлари, автомат овозлари билан қўшилиб кетган эди. Мен кўча ўртаси бўйлаб югуриб кетдим. Узоқда ўрта йўл бўйлаб кетаётган одамларга кўзим тушди. Мен уларни кўздан қочирмасликка ҳаракат қилдим. Таҳминан пойабзал фабрикаси ёнига етганимда, кўчанинг чап томонида тротуарда ётган одамга кўзим тушди ва унга яқинлашдим. Унинг эгнида жигарранг кўйлак, қора шим борлигини эслайман, холос. Юзи эса кўринмас эди. У хали тирик, зўрға нафас олар эди. Кўйлаги тўла қон эди. Мен қолганлардан ортада қолмаслик учун югуриб кетдим. Иккинчи колоннада онам, синглим ва аёлим борлигидан мен ҳали беҳабар эдим. Мен чап тротуар бўйлаб югуриб кетдим. Колоннага яқинлашган сарим, ўқ овозлари кучаяр, ўқларнинг хуштаги эшитилиб борар эди. Ниҳоят мен колоннага етиб олдим, аммо унга қўшилишга қўрқдим. Чунки мен кесиб ўтишим керак бўлган йўл қисми ҳарбийлар томонидан ўққа тугилаётган эди. Улар биздан 400

метрлар чамаси нарида эди. Ўша ерда, Андижон қурилиш техникумининг қаршисида, йўлнинг ўртасида БТР кўриниб турган эди. БТР йўлга кўндаланг туриб, йўлни тўсиб қўйган эди. 150 метрлар нарида одамлар ерда уюлиб ётган эди. Улар ерда худди ўрилган ўт каби, бетартиб сочилиб ўтгани сабаб, олдинга мен уларни қум тўлдирилган қопларга ўхшатдим. Мен ана шундай уюлиб ётган жасадларнинг фақат бир қисмини кўра олдим, қолганини дарахт ва ўт-ўланлар тўсиб турган эди. Лекин ана шу ҳолда ҳам камида 200 одамнинг жасадини кўриш мумкин эди. Мен уларга яқин бора олмадим, мен турган жойга қарата ота бошлашди. Мен бир дарахтнинг ортига яширинишга улгурдим. Дарахт мени ўқлардан тўсиб қолди. У ердан иккинчи колонна жуда яхши кўриниб турарди. Колоннада 1000 га яқин одам бор эди. БТР турган томондан қисқа навбатда ўқ ота бошлашди. Олдинга йўл бўйида турган симёғочларга қарата, кейин эса, одамларга қарата узун навбатда ўқ отила бошланди. Биринчи қаторда келаётганлар тутдай тўкилди. Қолганлар ҳар томонга қараб сочилиб кетишди. Ҳар ким ўз билганича жонини сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. Кимдир: "Аёллар ва болаларни химоя қилинглари!" дея бақира бошлади. Шундагина мен колоннада аёллар ва болалар борлигини кўрдим. Аёллар ва болалар аниқ кўриниб турганига қарамай, ҳарбийлар отишни тўхтатмадилар. Одамларнинг асосий қисми ўнг томонга, кинотеатр ёнидаги кўчага бурилиб кетишди. Бутун йўл ўликлар ва ярадорларнинг жасадлари билан тўла эди. Улар қочишга улгурмаганлар эди.

16 май куни мен чегарани кесиб, Қирғизистон худудига ўтиб олдим. Бир танишимнинг уйида тунаб қолиб, эртасига мени қочоқлар лагерига олиб боришини илтимос қилдим. Мен ва яна 3 танишим машинага ўтириб, Сузоққа кетдик. Лагерга 200 метр қолганда, бизни ва яна 80 яқин одамни қирғиз чегарачилари ушлаб олишди ва Ўзбекистонга қайтариб топширишди. Бизни ИИБ олиб келишди. Шундан сўнг қийноқлар, таҳқирлаш, камситишлар, сурункали сўроқлар бошланди. Терговчини олдига кирганимда, менга 100 га яқин расмларни кўрсатди. Жуда кўп жасадларнинг бош ва юз қисми шу даражада жароҳатланган эдики, уни таниб бўлмас эди. Мен ИИБ да 16 кун ўтирдим. Кейин мени улар билан ҳамкорлик қилиш шарти билан қўйиб юборишди.

Кўп ўтмай, мен яна Қирғизистонга қочиб ўтишга муваффақ бўлдим. Кейинчалик мен у ерда то қочоқлик олиб, Швецияга кетгунимча, 3 йилдан кўпроқ яшадим. Ана шу вақт ичида мен ўз дўстларим ва танишларимнинг қўлида ишлаб юрдим. МХХ нинг қамоқларида қийнаб ўлдирилган бир одамнинг оиласи биз билан қўшни эди. У ерда бева аёл ўзининг уч нафар фарзандлари билан яшар эди. Катта фарзанди 7 ёшда эди. Мен халок бўлган одамнинг қариндошлари билан суҳбатлашган эдим. Ўзбек томони уларга халок бўлганнинг жасадини, Андижон воқеаларидан бир неча кун ўтиб, қайтариб беришган экан. Уларнинг айтишича, жасаднинг орқа бел қисмида ўқ теккан яра, кўплаб пичоқ излари бор эди. Бутун тана мўматалоқ бўлиб кетган, бундан ташқари жинсий аъзоси кесиб ташланган эди. Кўриниб урибдики, ўлимидан олдин уни жуда қаттиқ қийнашган, кейин эса, жасадни таҳқирлашган. Энг қизиғи жасадни ўша ерда бирон жойга кўмиб юбориш ўрнига, ички ишлар ходимлари ўзлари қариндошларига қайтариб беришган. Тузумга қарши курашмоқчи бўлганларга кўргазма бўлиши учун дегандай.

Шу билан бирга, мен, 1977 йилда туғилган Нодиров Акрамхон Боходирхоновичнинг зўрлаб ўлдирилгани ҳақида гувоҳлик бераман. Унинг жасади майитхонадан 14 май куни топилган. Жасад кесиб очилган, тикилган жойларнинг изи аниқ кўриниб турар эди. Танада 4 ўқ изи бор эди. Ўқлардан учтаси юрак қисмига теккан, диаметри 5см атрофидаги майдон ичида эди. Бир ўқ товон таги қисмига теккан эди.

Мен Акрамхоннинг кичик укаси, 1979 йилда туғилган Маърифхон Нодиров билан суҳбатлашганман. У ҳозирда АҚШда яшайди. Маърифхон оилада, жабр кўрмаган ягона эркак. Унинг икки акаси, 1973 йилда туғилган Дадахон ва 1974 йилда туғилган Ғулмухонлар ҳозирда, 13 май куни намойишда иштирок этганлари учун қамоқ жазосини ўтамоқдалар. ИИБ ертўласида 16 кун ўтирган вақтимда, мен шахсан Ғулмухон ва Дадахонларни қандай қийнаганликларига гувоҳ бўлганман. Ғулмухон 13 май куни думба қисмига ўқ тегиб яраланган эди. Шунга қарамай, уни шавқатсизларча қийнашган.

Уларнинг отаси Нодиров Боходирхон Махаммадхонович, 1949 йилда туғилган, 2005 йил 16 май куни хибсга олинган эди. Кейин уни қўйиб юборишган. Аммо, бир ҳафта ўтиб, қайтадан олиб кетишган ва 15 йилга озодликдан маҳрум этишган. 2007 йил 2 июль куни у одам турмада вафот этган. Жасаднинг қорни жуда шишиб кетган бўлган. Яқинлари ҳар ойда ундан хабар олиб туришган. Ўлимидан олдин ҳам яқинлари билан кўришган. Охирги 3 сафар уни замбарда олиб чиқишган.

Яна бир мен гувоҳлик бера оладиган воқеа – Каримов Шомуродбекнинг ўлими. Мен унинг кичик укаси, 1982 йилда туғилган Муҳаммаджон билан гаплашган эдим. Биз у билан Қирғизистонда, Андижон воқеаларидан сўнг учрашган эдик. У ҳам менга ўхшаб, УВКБ ООН рўйхатидан ўтган эди. Укаси менга, акасининг жасадини кўрганини, акаси бош қисмига теккан ўқдан ярадор бўлиб, касалхонада вафот этганини айтиб берди. Лекин шунисини айтиш керакки, 2005 йил 13 май куни Шомуродни тез ёрдам машинаси касалхонага олиб кетаётган вақтда, унинг бош қисмида ҳеч қандай яра йўқ эди. У фақат ё бел қисми, ёки оёғидан яраланган эди. Буни, 1975 йилда туғилган Мамарасулов Абдумалик (Андижон воқеаларининг иштирокчиси, ҳозирда Австралияда яшайди) тасдиқлаган. У шахсан ўзи Шомуродни, “Чўлпон” кинотеатри атрофида машинага ўтқазिशга ёрдам берган. Афсуски, менда Каримов Шомуродни касалхонада бошидан отиб ўлдиришганини исботловчи бевосита далиллар йўқ. Аммо билвосита далиллар бор. Бор маълумотлар ва гувоҳларнинг айтишича, вилоят касалхонасида яраланган касалларни бошидан отиб ўлдиришган. Умид қиламизки, сизларнинг ёрдамингизда биз албатта, ҳақиқатнинг тагига етамиз.

(Рустам, Швеция)

2005 йил 13 май куни Андижон вилоят ҳокимияти олдига тўпланган халқ ҳукуматдан адолат ва ўз муаммоларининг ечимини кутар эди. Аммо бунинг ўрнига, майдонга жўнатилинган ҳарбий БТР ва машиналар халққа қарата ўқ узиб, қирғин уюштиришди. Шунда биз 600-700 кишидан иборат колоннага тўпланиб “Чўлпон” кинотеатри томонга юра бошладик. Колонна асосан эркак ва ёшлар, айримлари хатто балоғатга етмаган болалардан иборат эди. Андижон қурилиш техникуми олдига етганимизда, Чўлпон шоҳ кўчаси билан Бухоро кўчаси кесишган жойда ҳарбий “УРАЛ” русумли автомашина ва иккита БТР турганини кўрдик. Уларни кўргач, биз дарҳол тўхтадик. Ҳарбийлар билан бизнинг орамызда 100 метрлар масофа бор эди. Ҳарбийлар томонидан баланд овозда қандайдир мурожаатлар эшитилди. Биз ҳали ҳеч нарсага тушуниб улгурмай, ҳарбийлар томонидан колонна ўққа тутилди. Қирғин натижасида колоннанинг олдинги сафида келаётган 40-50 киши бирданига ҳалок бўлди ёки қаттиқ яраланди. Қолганлар ерга ётиб олдилар. Ўқ отишлар кечгача, икки соатлар давом этди. Ҳарбийлар қоронғи тушиб, атрофда ҳеч нарса кўринмай қолгунча отдилар. Ўша куни кўча чироқлари ёқилмаган эди. Хатто уйларда ҳам чироқлар ёнмас эди. Ўқ отиш тингандан сўнг, юзга яқин одам ҳалок бўлганлар устидан эмаклар ўтиб, йўл четига, техникум томонга чиқа бошладилар. Шунда ҳарбийлар яна ўша томонга ўқ ота бошладилар. У томондан

ярадорларнинг қичқириғи ва қолганларнинг оху-фарёди, ёрдам нолаеси эшитила бошлади. Йўл четига чиқиб олганлар, шу жумладан мен ҳам, бирин-кетин техникум дарвозаси остидан техникум ҳовлисига эмаклай бошладик. Дарвозалар қулф эди. Техникум ҳовлисида мен билан бирга 15 киши бор эди. Биз қолган ярадорларга ёрдам кўрсата бошладик. Ярадорларни топсак, уларни техникум ҳовлисига олиб киришга ёрдам берар эдик. У ерда эса қолганлар ярадорларни бино ичкарасига олиб кириб кетардилар. Ярадорларни ташиётиб, улар орасидан амакиваччам Исҳоқ Қодировни учратиб қолдим. У оёғидан ўқ еган экан. Мен унга ёрдам бериб, техникум ҳовлисига олиб кириб қўйдим. Барча ярадорларни ҳовлига тўплаб, яна бир бор текшириш учун “Тирик қолганлар борми?” деб чақирдик. Лекин ҳеч ким жавоб бермади. Шундай қилиб, биз жами 20-25 кишини топдик. Барча ярадорларни яраларини ювдик. Бино ичидан ёпинчиқлар топиб, уларни ўраб қўйдик. Шу вақтда хокимият томондан ҳарбий машиналарнинг овози кела бошлади. Улар борган сари биз томонга яқинлашиб келар эди. Шунда техникум дарвозасидан кўчага қарадик ва кўзимиз иккита БТРга тушди. БТРлар йўл ўртасида уюлиб ётган мурдалар олдига келиб тўхтади ва фараларини ёқиб, йўлни ёритди. Ундан кейинги манзара инсоннинг онгига сиғмайдиган даҳшатли эди. БТРлар мурдалар устидан бостириб ўтиб, Соё Гузар томонга ҳаракат қила бошлади. Мен ва яна бир неча киши техникумнинг орқа деворидан маҳалла томонга ўтдик. У ердан Комсомол кўли орқали Бўстон даҳасига, уйимга етиб олдим. Чамаси 23.30 ларда уйга етиб келдим. Қон теккан кийимларимни ечиб, ҳаммасини ёқиб юбордим. Кейин баданимдаги қон изларини ювиб ташлаш учун ичкарига кириб кетдим.

Эртаси куни укам Абдулхафиз келавермагач, уни қидириб кетдик. Қидиргани акам Абдуносир у хозирда Тошкент вилояти, Зангиота туманида ахлоқ тузатиш колониясида) билан бирга бордик. З.М.Бобур хайкали олдига борганимизда, у ерда бир қанча одамлар турган эди. Улар ҳам ўз яқинларини қидиришаётган эдилар. Хайкал остида бир неча ўнлаб жасадлар ётган эди. Одамлар жасадларни йиғишиб, бир жойга тўплашар эди. Шунда тўсатдан, жасадлар орасида укамиз Абдулхафизнинг жасадини кўриб қолдик. Ўша куни шаҳар кўчаларида машиналар қатнамаётган эди. Биз бир арава топдик. Аравага укамнинг жасадини юклаб, Андижон ёғ-мой комбинати ёнида яшайдиган амакимнинг уйига олиб кетдик. У ердан ТИКО русумли машинасини топиб, хайдовчига, Бўстон даҳасига, уйга олиб боришни илтимос қилдик. Уйга келиб, майитни ювиб, оқ кафанга ўраб қўйдик.

Уйга келганимизда, амакиваччам Исҳоқнинг ҳам халок бўлганини билдик. Унинг жасадини укалари топишган. Ўша куни иккала майитни ҳам “Бўстон” қабристонига қўйдик.

(Жамшидбек, Финляндия)

2005 йил 13 май куни эрталаб соат 9 ларда мен Бобур майдонида эдим. Майдонда аста-секин одамлар тўплана бошлади. Улар орасида аёллар, болалар ва қариялар кўп эди. Чамаси соат 10 ларда Охунбобоев номли театр билан хокимият орасидаги йўлдан катта тезликда УАЗ русумли, тўқ зангори рангдаги машина ўтиб кетди. Машина ўнг томонга, Ғаллабанк биноси томонга бурилмоқчи бўлди. Амо йўл тўсиқ бўлгани учун тўхтаб қолди. Ундан 4-5 та ҳарбий кийимдаги, юзига қора маска таққан, автоматлар билан қуролланган одамлар тушди ва намоишчиларга қарата тартибсиз равишда ўқ ота бошлади. Мен дарахт орқасига яширинишга улгурдим. Ўша ерда, менинг орқамда турган 12-13 яшар бола халок бўлди. Ўқ унинг нақ кўзига (қайси кўзигалиги эсимда йўқ) тегди. Бола очиқ турган канализация қудуғига тушиб кетди. Уни чиқариб олганимизда, у жонсиз эди.

Мен яна 3 нафар ёш йигитларга ўқ текканини кўрдим. Улар чамаси 15 метрлар нарида эди. Улардан бири ярадор бўлди, қолган иккитаси эса, халок бўлишди. Афсуски, мен уларнинг тузилишини ҳам, қаерга ўқ текканини ҳам айтолмайман, чунки жуда қаттиқ рухий таъсир (шок)да эдим. Бу вақтда майдонда одам борган сари тўпланиб, кўпайиб борар эди. Чамаси соат 10-11 ларда Комил Яшин кўчаси томондан катта тезликда ГАЗ-66 (ёки ЗИЛ-131) русумли ҳарбий машина Чўлпон шоҳ кўчаси томон ўтиб кетди. Машина ичидан намоишчиларга қарата ўқ отишди. Соат 13-14 га бориб, майдон одамлар билан тўлган эди. Худди шу вақтда МХХ томондан, Навоий шоҳ кўчаси бўйлаб, Чўлпон шоҳ кўчаси томон 2та ҳарбий машина ўтиб кетди. Улардан бири УРАЛ машинаси эди. Иккала машинадан ҳам намоишчиларга қарата тинимсиз ўқ ота бошлашди. Беш метр нарида 40-50 яшар аёл ўқ тегиб, халок бўлди. Ўқ унинг белига тегди ва аёл юзи билан ерга йиқилди. Аёлнинг эгнида кўйлак, бошида зангори рўмол ўраган эди. 14-15 яшар икки ўспирин ҳам ўқ тегиб халок бўлишди. Улардан бири оқ кўйлак ва қора шимда эди. Оёғига қора пойафзал кийган эди. Уларнинг жасадлари остидан қон сизиб чиққанини кўрдим. Мен жуда кўрқиб кетдим ва анча вақт ўзимга кела олмадим. Шоҳ кўчанинг нариги томонида ҳам кўплаб ярадорлар ва ўликлар бор эди. Чап кўлига ўқ теккан одамни йўлдан олиб ўтишар эди. Унинг кўли қонга тўлган эди. Икки киши уни кўлтиқлаб олган эди. Ўша томондан яна бир неча киши 20-25 яшар бир болани кўтариб келишар эди. У бола футболкада, жинси шим ва оёғида оқ кроссовка кийган эди. Ёнида каттароқ ёшдаги одам йиғлаб келарди. Билишимча, у боланинг отаси бўлган.

Бир неча дақиқадан сўнг, ўша ҳарбий машиналар орқага қайтишди ва яна намоишчиларни ўққа тутишди. Мен йўл четидаги лотокнинг ичига ётиб олдим. Машиналар ўтиб борар экан, тинмай автоматдан ўқ отилар эди. Мен турган ердан сал нарида, асфальтда немис журналисти ётган эди. У ҳам менга ўхшаб, ўзини ўқлардан сақлаш учун пана жой қидирарди. Журналист елкасига сумка осиб олган, бўйнига эса фотоаппарат илиб олган эди. Чамаси 15 дақиқалардан сўнг, атрофда отишмалар тингач, мен асфальт йўлга чиқдим ва ўнг томонда, чамаси 1.5-2 км масофада, осма кўприк олдида иккита БТР ва иккита юк машинасига кўзим тушди. Намоишчилар йўлларга тўсиқлар ўрнатиб, баррикадалар қура бошладилар. Бир неча дақиқадан сўнг, яна отишма бошланди. Бу сафар А.Навоий номли истироҳат боғи томонидан отишарди. Мен фақат ўқ товушларини эшитдим.

Йиғилган одамлар катта бир колоннага йиғилиб, Сойгузар (Сойгузар – Чўлпон шоҳ кўчаси тугаб, айланма йўл бошланадиган жой номи, *изоҳ-Б.М.*) томон юра бошлади. Чўлпон шоҳ кўчаси одам билан тўла эди. Мен ҳам ўша сафда борардим. Биз 46-сонли мактабга яқинлашганимизда, йўлимизни 2та автобус тўсиб қўйди. Бир неча дақиқада олдинги қатордаги одамлар автобусларни бир четга суриб қўйишди ва колонна ўз йўлини давом эттирди. Бироз вақтдан сўнг, биз 15-мактаб биноси ёнига етиб келдик. Олдинда, 150-200 м чамаси нарида, йўлимизни БТР тўсиб турарди. БТР ёнида аскар турган эди. Унинг юзини қора ниқоб тўсиб турар, кўлида эса автомат ушлаб олган эди. Аскар бир сакраб, БТР устига чиқиб олди ва шу заҳоти БТР оммага қараб ўқ ота бошлади. Қолган аскарлар ҳам панадан туриб, қуролсиз, тинч аҳолини аёвсиз ўққа тутиб, қирғин қила бошладилар. Ҳарбий аскарлар чамаси 15 дақиқа вақт давомида тинмай халққа қараб ота бошладилар. Ўқлар овозидан атроф ларзага келарди. Ҳамма одамлар ерга ётиб олдилар. Жой етмаганидан, айрим одамлар бир-бирининг устига ётиб олган эди. 15 дақиқа давомида узлуксиз ўқ отишгач, ҳарбийлар ўқ отишни тўхтатдилар. Энди улар қимирлаганларни ва хали тирик бўлганларни мўлжалга олиб, ота бошладилар. Айрим одамлар ҳарбийлардан, ўқ отишни бас қилишни, айримлари эса, ёрдам сўраб, оҳу-нола қилишга ҳаракат қилдилар. Мен ёш боланинг "Аяжон!"

деб кичқирганини эшитдим. Орамизда аёллар ва болалар кўп эди. Уларнинг кўпчилиги ўша жаҳаннам қаъридан чиқиб кета олмай, қолиб кетдилар.

Менинг ёнимда иккита танишим ётган эди. Уларнинг бири, Нурулло исмли йигит, “чамаси менга ўқ тегиб, яраландим” деди. Шундай деб, кўлини костюми орасига тикиб кўрди. Кўлини чиқарганида, кўли қон эди. Ундан олдинда ётиб олганда, ўқ унинг ёнбошига теккан эди. Жуда кўп одамлар бошидан ўқ еб, яраланган эди. Аниқки, бу снайперларнинг иши эди. Қороғи туша бошлади, биз эса хали ҳам ерда ётар эдик. Мен хатто қимирлашга ҳам кўрқар эдим. Чунки снайперлар ўз ишини моҳирона бажарар эди.

Бақираётган одамлар ичида мен амаким, 1968 йилда туғилган Азимов Авазбек Холдоровичнинг, ҳамда яна бир қариндошимиз, 1961 йилда туғилган Мамадхонов Музаффарларнинг овозларини таниб қолдим. Улар яраланган ва ёрдам беришларини сўраб, нола қилишарди. Аммо, мен уларга ҳеч қандай ёрдам бера олмасдим. Бошимни кўтарганимда, жонсиз ётган мурдага кўзим тушди. Унинг кўкрагида бир нарса, ёрқин олов сингари ёниб, атрофга учқун сочар эди. Бу бир неча сония давом этди. Бу, одам баданига кириб ҳам, олов чиқариб, ёнадиган ўқ эди. Мен шунга ўхшаш манзарани бир неча соат олдин кўрган эдим. Ўшанда шундай ўқ 30-мактаб биноси деворига тегиб, ёна бошлаган эди. Қаттиқ ёмғир ёға бошлади. Одамларнинг бақир-чақири аста тина бошлади ва атрофга сокинлик тушди. Вақт тахминан, 23.00-24.00 лар ораси эди. 15-мактабнинг дарвозаси очиқ турганини кўриб, мен у томонга ўтишга ҳаракат қилдим. Бунинг учун мен бир неча метр жойга, жасадлар устидан югуриб ўтишим керак эди. Мен ўрнимдан тура солиб, бошимни эгиб, югура бошладим. Орқамдан яна 3-4 киши югуриб кетишди. Яна отишма бошланди. Мен жасадлар устидан югуриб ўтиб, яна ётиб олдим ва тўғри кўлмак сувга тушдим. Орқамдан югурганлар эса, югуришда давом этавердилар. Ўқ олдин мени олдимда югуриб кетаётганга тегди. У йиқилди ва шу бўйи бошқа ўрндан турмади. Иккинчи одам мактаб дарвозаси олдида ўқ тегиб йиқилди. У мактаб ховлиси ичига йиқилди ва у ҳам бошқа қимирламади. Учинчи одамни, мактаб панжарасидан ошиб ўтаётганда, отишди. У панжарадан учиб, гурсуллаб ерга йиқилди. Бечора, қоронғида мактаб дарвозаси очиқ турганини кўрмай қолган шекилли, панжарадан ошиб ўтмоқчи бўлди. Мен эмакляб бориб, мактаб ховлисига кириб олдим. У ерда 5-6 кишининг жасадига кўзим тушди. Менинг ёнимга мактаб қоровули келиб, қоровулхонада бир неча ярадорлар борлигини, улар ичида менинг танишларим ҳам бўлиши мумкинлиги ва уларни олиб кетишим мумкинлигини айтди. Мен ичкарига кирдим. Қоровулхона қоронғи эди. Қоронғида мен 5-6 кишининг шарпасини кўрдим. Ҳаммаси оғриқдан инграб ётарди. Бирининг усти қалин кўрпа билан ўралган эди, у жуда ҳам совуқ қотаётганини айтган эди. Мен улардан ҳеч кимни танимадим. Мен ичкаридан чиқиб, мактабнинг орқа томонига ўтдим ва мактабга қўшни ховлиларнинг тоmidан ўтиб, орқа маҳаллага чиқиб олдим. Бу ер анча хавфсизроқ жой эди.

Оллоҳга шукрки, менинг қариндошларим тирик қопдилар. Фақат Азимов Авазбекнинг оёғини кесишибди ва у ҳозир қамоқда. Мамадхонов Музаффар эса, соғайиб, ҳозирда озодликда.

(Азизбек, Швеция)

2005 йил 13 май куни, Бобур майдонига президент И. Каримов келишини эшитиб, беш нафар болаларимни етаклаб майдонга бордим. У ерда тумонат одам тўпланган эди. Чунки жуда кўп инсонлар ҳар кунги моддий ва маънавий қийинчиликлардан азият чеккан эдилар. Тўпланган

ҳалойиқ президентга ишсизлик, даволаниш учун маблағ йўқлиги, амалдорларнинг адолатсизликлари, коррупция ва бошқа жуда кўп муаммолар ҳақида арз қилмоқчи бўлдилар. Аммо лекин, халқнинг дардини эшитгани ҳеч ким келмади. Бунинг эвазига улар, ҳарбий машиналардан туриб, бизларни ўққа тутишди. Ўшанда, оломон ичида 13 яшар боланинг халок бўлганини хабар қилишди. Шундан кейин қаттиқ отишма бошланди. Бу қутилмаган воқеадан эсанкираб, болаларим билан одамларга қўшилиб, Чўлпон кўчасига қараб, қоча бошладик. Одамлар жуда кўп эди. Болаларим беш тарафимдан туришиб йиғлашарди. Аёллар ва болаларни ўққа тутганини ҳеч бир жойда кўриш у ёқда турсин, хатто тарихда ҳам эшитмаган эдим. Қасам ичиб айтаманки, улар бизларни отишди, отишди. Ҳар тарафдан ўқ ёғилар, осмондан эса, тинмай ёмғир ёғарди. Эркаклар, аёллар ва болаларни химоя қилиш учун, бизларни ўртага олишиб, ўзлари атрофимизни ўраб олишган эди. Ҳар тарафимизда, “оналаримизни химоя қилайлик” деган овозлар кела бошлади. Атрофимизда эркаклар битта-битта йиқила бошлади. Бири ярадор бўлган, яна бошқаси ўлган. Шу тўполонда икки қизимни йўқотиб қўйдим. Мен, ўша вақтдаги ҳолатимни, қийин ҳолатим десам ҳам бўлади. Чунки, менда, на излашга, ва на улар ҳақида ўйлашга имконим бор эди. Қўлимда тўрт ярим ойлик қизим, 9 ёшли ўғлим ва тўнғич қизим билан, жонимизни сақлаш учун қочиб давом этардик. Шундай оғир вазиятда, камдек, бизни Соё тарафдан ҳарбий машиналарда ўққа тутишди. Шунда ҳамма ўнг тарафдаги кўчага бурила бошлади. Эркаклар эса, йўл очиш мақсадида, кўча бўйидаги темир панжарани бузишди. Мен ҳам ўша кўчага кириб кетаётиб, йўқотган қизларимни излаб, орқамга ўгирилдим. Шунда кўплаб ўликларни кўрдим. Жидда қонга беланиб ётган жасадлар ва ярадорлар орасидан, қизларимни изладим. Уларни топа олмай, шошилиб, яна қочдик. Ўнг тарафдаги кўчага бурилиб, озгина юришимизга, қизларимни, кўзида ёш билан одамлардан бизларни суриштираётганини кўрдим. Бир-биримизга кўзимиз тушди. Кўнглимиз хотиржам бўлиб, ҳамма одамлар юраётган тарафга юрдик. Кечаси билан пиёда юриб, саҳар тонгда, Тешиктош қишлоғига етиб келдик. Бориб, энди нафасимизни ростлаймиз деб турсак, бизларни яна ўққа тутгани, жуда аъламли ҳолат эди. Ҳар тарафдан тинмасдан, ўқлар ёғиларди. Мен эса, беш нафар фарзандим билан эмаклаб, қаёққа қочишимни билмай, ҳар тарафга ўзимни урардим. Шунда эркаклар оқ майкаларини ечиб, “бизда қурол йўқ” деб, байроқ сифатида кўрсатишди. Байроққа қарамасдан, яна отишда давом этишди. Шу тўполонда бир торкўчадаги дарвозаларни эшигини тақиллатдик. Кўпчилиги очмади. Баъзилари хайдади, лекин бир аёл бизларни ичкарига киритди. Уйга кириб, қизимнинг хўл кийимларини алмаштирдим. Қолган болаларим ўтириб, озгинадан ухлаб олишди. Бироздан сўнг, тинчидимикан деб, ташқарига чиқдик. Қарасам, ҳамма ярадорларни битта хонага олиб кириб, қарашаётган экан. Ҳаммаёқ гавжум. Ҳамманинг ранги оппоқ. Рухан, маънан, жисман эзилган ва чарчаган эдик. Биз ҳаммамиз қишлоқнинг бир бурчагида, қуршовда қолган эдик. Энди ҳаммамиз қирилиб кетамиз, деб турганимизда, Қирғизистон ҳукумати чегарасини очди ва бизни қийин аҳволдан қутқарди. Хаётимиздаги энг қийин ва аянчли вазиятимизда етиб келди.

Мен ҳозир ўйлайманки, аскарларни бизни Ўзбекистон чегарасини қирғоғигача қувлаб келганини сабаби, биз шу мудҳиш воқеани тирик гувоҳлигимизки, бизни йўқотишга ҳаракат қилинган.

(Розия, Австралия)

Ҳаммамиз кўчани тўлдириб Чўлпон шоҳкўчаси томонга кета бошладик. Йўл бўйи атрофдаги кўпқаватли бинолардан бизга ўқ узишар эди. Аскарлар дарахларнинг устига чивиб олишиб, ўша ердан одамларга ўқ отишаётганини кўрдим. Дарахт тагидан ўтаётганимда бошим дарахтда ўтирган аскарнинг оёғидаги этигига тегиб кетди. Ҳалок бўлганлар орасида ўнг томонга ёнбошлаб қолган, оқ кийимдаги танишим Тўраҳонга кўзим тушди. Қон ҳудди булоқдан тошиб чиқаётгандай асфальтда оқиб ётарди. Шу пайт нигоҳларим олдидан кўзни қамаштирувчи сариқ олов учиб ўтди. Кўпчилик билан бирга Тешиктошгача бориб олдик, лекин тонгга яқин бизни ҳарбийлар ўқ отиб қарши олишди. Мана шу ерда дугонам Одинахоннинг қизи ҳалок бўлди. У қиз оғзини қия очган ҳолатда бўғилиб нафас олди, оғзидан тилла тишлари кўринди. Бу нарсани кузатиб туриш ўта оғир эди. Атрофга қарасам, бизни аскарлар ўраб олишган экан. Шунда мен: “Отишни бас қилинлар, фашистлар!” – деб бақирдим. Йиғлайвериб ҳолдан тойганлигимдан ерга ўтириб қолдим. Ҳатто, фильмни аниқ бўлиб ўтган воқеаларга асосланиб олишар экан-да, деб ййлаб қолдим. Уриш-уриш киноларидақа бўлаётган эди. Ўқ тегаётганлар орасида мен ҳам бор эдим. Фақат барча воқеалар ростманасига бўлаётган эди.

(Арофатхон, Австралия)

тахминан соат 17:00ларда митингга чиққанларни қаттиқ ўққа тутишлик бошланди. Ёнимиздаги Навоий шоҳкўчасидан ҳарбий машиналарда ўтиб бораётган аскарлар ўқ отишар эди. Шундан кейин одамлар ҳар томонга тум-тарақай қоча бошладилар. Бироқ оломон орасидан кимдир ҳамма қочиб кетса, кейин барчани қириб ташлашликлари ҳақида огоҳлантириб бақирди. Шунда инсонларнинг асосий гуруҳи Чўлпон шоҳкўчасига қараб кета бошлади. Аскарлар одамларни фақат илгари қараб юришга мажбурлаган ҳолатда тинмай ўқ отиб туришарди. Юриб кетаётганимизда бизни икки-уч маротаба оммавий ўққа тутишди. Қурилиш коллежига етиб борганимизда бизни икки БТР ва аскарлар колоннаси қарши олишди. Ана шу ерда энг кучли ўққа тутишлик бўлди. Барча жимиб қолди. Бир оздан сўнг ярадорларнинг ёрдам сўраб қилган нолаю фиғонлари бошланди. Ўққа тутиш салгина юмшаганида одамлар Қурилиш коллежи ёки йўлнинг нариги томонидаги 15-мактаб томонга ўрмалаб чиқа бошладилар. Тирик қолганлар кўчама-кўча қочиб Тешиктош қишлоғигача етиб олишди.

(Абдумуталиб, Канада)

Мен 1971 йилда туғилган Умид Мирзабобоевнинг ўлганлик ҳақидаги хабарга гувоҳ бўлдим. У менинг яқин дўстим эди. Биз 2000 йили Қўқон шаҳридаги қандолат цехида бирга ишлаган эдик. Ўша куни у оқ кўйлак, оқ шим ва қора жилет кийган эди. Унинг пешонасига ўқ тегибди. Унинг ўлганлигини хотинимдан билдим. Уни Ўзбек ҳарбий кучлари ўлдирибди (кўпроқ қўлга тушганидан кейин қийнашиб отиб ташлашган кўринади). Жасади уйига олиб келиб берилибди. Бошида қонли бинт ўрама бўлган. Бу ҳақда аёлим марҳумнинг онасидан билган. Ҳарбийлар ҳеч қанақанги гап-сўзларсиз, тезлик билан Умидни кўмиб юборишларини буюришибди.

(Аҳрор, Канада)

2005 йил 13 май куни тахминан соат 14:30 ларда Навои шоҳкўчасидан аскарлар ўтирган ҳарбий машиналар ўтди. Улар Бобур майдонига йиғилган одамларни ўққа тутдилар. Одамлар

роса кўрқиб кетишди. Кучли бақир-чақир бўлиб кетди. Атрофга қараб, тум-тарақай қочаётган одамларни кўрдим. Кимдир ерга ётиб олган эди. Болали аёллар, чоллар, ўсмирлар, ёш болалар ўқдан қочишга, пана жой топишга ҳаракат қиларди. Ўқ отилмай қолганида 20-25 метрли атрофимда ўнлаб мурдаларни кўрдим. Ўлганлар орасида аёллар ҳам бор эди. Кечга томон ҳарбийлар майдонни ҳар томондан ўраб олишди. Чўлпон шоҳқўчасигина очиқ қолган эди. Биз ўша томонга қараб юрдик. Навои парки билан 30-мактаб орасида аскарлар бор экан. Улар бизга қараб ўқ ота бошладилар. Бир қанча одам ўлиб кетди. Вилоят аптекасига етиб борганимизда ҳам олд томондан ўқ узиша бошлади. Одамлар ўтириб олишди. Отиш тўхтади. Кейин биз яна кета бошладик. Чўлпон кинотеатрига етиб борганимизда бизни қаршилаб олга аскарлар автоматлар ва БТР пулемётларидан ота бошладилар. Кучли ёмғир ёға бошлади. Ўқ отишни бошлашсаёқ, ерга ётиб олардик. Ёмғирдан ич-ичимизгача ивиб кетдик. Ўқ отиш тўхтагач кинотеатр олдидаги кўчага ўтиб олишга эришдик.

(Акром, АҚШ)

Ҳарбийлар бир неча маротаба бостириб келишлари ва ўққа тутишлари оқибатида ҳокимият биноси олдида туришликка имкон қолмаган эди. Биз у ердан соф-саломат кетиб қолиш ҳақида ўйлай бошладик. 1800-2000 лар чамаси инсонлардан ташкил топган биринчи колонна тузилиб қолди. Улар Чўлпон кинотеатри томонга кета бошладилар. 10-15 минутлардан кейин биз ҳам иккинчи колонна ичида ўша томонга кета бошладик. Бу колоннада менинг тахминимча 7000-8000 одам бор эди. Чўлпон шоҳқўчаси бўйлаб кетаётганимизда аскарлар турли томонлардан ўқ ота бошладилар. Орамиздан жуда кўплаб инсонлар ҳалок бўла бошлади. Шоҳқўча чеккаларида кўплаб жасадлар ётарди. Чўлпон кинотеатрига етганимизда бизни икки БТР ва бир қанча аскарлар қарши олди. БТРнинг олдиларида кўп ўликлар ётарди (биринчи колоннада кетаётганлардан бўлса керак). Ўша пайт аскарлар ўқ ота бошладилар. Уларга ёнидаги икки БТР ҳам қўшилди. Бахтимизга Чўлпон кинотеатрининг ўнг томонида кўча бўлиб, биз ўша томонга бурилиб кетдик. Ўлганлар орасида кексалар, аёллар ва ҳатто болачалар бор эди. Карахт бўлиб қолдим. Фақат оёқларимгина ишлаётганини сезардим. Кўчада кетаётганимизда орамизда ярадорлар ҳам бор эди. Биз тун бўйи юриб Тешиктош қишлоғига етиб бордик. Аскарлардан узоқлашиб кетган бўлсак-да, ҳамон хавфни сезардим. Тўғри нарсаларни сезаётган эканман. Тешиктошда аскарлар бизни пойлаб туришган экан. Яқинлашишимиз билан ўққа тутишди. Баъзилар ерга ётиб олишди, айримлар қоча бошлади. Одамлар ўлаётганини, уларнинг аскарлар ўқидан қулаётганини кўрдим. Аскарлар ўқ отишни тўхтатган пайтида орамизда ўлганлар сони кўп эди. Ҳар хил сабабларга кўра ёнимизга келиб қолган маҳаллий одамлардан ҳам ўлганлар бор эди.

(Насибулло, АҚШ)

2005 йил 13 май куни, ҳокимият олдидаги Бобур майдонидаги митингга мен ҳам қатнашдим. Ўша куни одамлар биринчи маротаба ўз муаммо ва қийинчиликлари ҳақида минбарда очиқ гапиришган эди. Кўпчилик қатори мен ҳам уларни эшитиб, айтаётган гапларига ич-ичимдан қўшилишар эдим. Бирдан ўқ овозлар эшитилди. Ҳеч қандай огоҳлантиришсиз одамларга қарата ўқ узишар эди. Барча ўзини йўқотиб қўйди. Қийқириқлар янграй бошлади. Кимдир кимнидир ярадор қилишганини айтиб бақирса, кимдир ерга ётиш кераклигини айтар эди. Ҳамма, жумладан ммен ҳам ерга ётдик. Ерга ётиб бошимни кўтариб қараганимда катта шоҳқўчадаги ҳарбий машиналарга кўзим тушди. Ўшаларнинг ичидан отишаётган эди. Машиналар у ёқдан бу ёққа бориб келар, ичидагилар йўл-йўлакай ўқ отишар эди. Бу нарса

бир неча маротаба такрорланди. Кейин бутун майдон аскарлар билан ўраб олинбди, деган миш-миш тарқалди. Сўнг биз майдонни ташлаб чиқишга мажбур бўлдик. Биз шоҳкўча томонга йўналдик. Эркаклар аёллар ва болаларни ўқдан ҳимоя қилиш мақсадида ўртага олиб олишди. Чўлпон кинотеатрига етганимизда бизга даҳшатли тусда ўқ ота бошладилар. Шу нарсаларни ўз кўзим билан кўрмаганимдами, ҳеч қачон ишонмаган бўлар эдим. Ўз ватанингда, ўз уйингда, ўз халқингга қарши бундай бўлиши мумкинлигига ишониш қийин эди. Лекин бу нарса содир бўлди. Барчамиз ўқ ёмғири остида қолдик. Бутун вужудимизни титроқ ва қўрқув қоплаб олган эди. Ён атрофимизда бизни ўқдан ҳимоя қилиб бораётган эркаклар бирин-кетин қулай бошладилар. Биз яна ерга ётиб олишга мажбур бўлдик. Ўша пайт мен ўқлар олд ва чап томондан келаётганини пайқадим. Мен ўша ондаёқ бошимни тўсиб олдим. Менга ўқлар ана-ана орқамга тегиб кетадигандек тўйилиб турди. Ётиб ўлимимни кутардим. Бирдан барча кинотеатр ўнг томонидаги кўчага қочиб кира бошлади. Мен ҳам улар ортидан югириб бориб кўчага кириб олдим.

Ўша пайт ерда ўлиб ётган эркакни кўриб қолдим. Митингга қатнашаётган эримга ўхшатдим. Паналаб қочаётганимни ҳам унитиб, бор кучим билан жасадга ташландим. Мурда ёнига бориб диққат билан қарасам, эрим эмас экан. У менга нотаниш бўлган бошқа киши экан. У кўкси қонга тўлиб, шалпайиб ётарди.

Шулардан кейин, даҳшатли қирғиндан омон қолганларнинг барчаси тун бўйи пиёда юриб, тонгга яқин Тешиктош қишлоғига етиб олдик. Бизни у ерда ҳарбийлар пойлаб туришган экан. Яна бизни ўққа тутдилар. Яна қирғин бошланди. Ҳамма тағин талвасага тушиб қолди. Ҳар томонга қоча бошладилар. Мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Қотиб қолганимдан, нима қилишимни билмасдим. Бирдан кимдир мени чақирди. Бурилиб қараб эримни кўрдим. У мен томонга югириб келарди. Қўлимдан ушлаб шамол каби тепаликка олиб кета бошлади. У ердан биздан бошқа кўпчилик бор эди. У ерда ўқ отилиши тўхташини кутиб турдик. Шундан кейин барча бир жойга йиғилдик. Ўқ отилган жойга борсак, яна ўнлаб ўликлар ётган экан. Эрим аёлларга қўшилиб олишимни тайинлаб, ўзи эркаклар томонга кетди. Аёллар қандайдир ҳовлига киришди. Мен уларга қўшилиб олдим. У ерда нафасимизни ростлаб олдик. Роса чарчаган ва очикқан эдик. Бир оз вақт ўтгач қандайдир бир киши келиб бу ер тинч эмаслигини, унинг ортидан боришимиз кераклигини айтди. Ҳовлидан чиқаётиб ярадорларни ҳовлига ташиб киришаётганини кўрдим. Ҳовлига кираётганимда деворга суяниб ўтирган кишини кўрган эдим. У кўзлари катта очик ҳолатда ўтирган эди. Ўша пайтда мен унга эътибор бермадим. Чиқаётганимда бетига оқ латта ташлаб қўйишганини кўрдим. Ўлганлигини тушундим. Унга ачиндим. Кейин "Тез ёрдам" машинаси келиб ярадорларни олиб кетди. Ерлик аҳолидан ҳалок бўлганлар жасадини кўмиб қўйишларини илтимос қилдик. Ўзимиз эса чегарадан ўтиб Қирғизистонга кетдик.

(Маҳфуза, Австралия)

13 май 2005 йили кўпчилик қатори соат эрталабки 9 ларда Бобур майдонига келдим. Оми халқ ўз қийинчиликлари ва муаммолари ҳақида гапирар эди. Чамаси соат 11:00-12:00ларда ўтиб бораётган ҳарбий юк машинаси устидаги аскарлар ва БТРдагилар митинг қилаётган одамларга ўқ уза бошладилар. Кечгача бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Кечки соат 5-бларда майдонда қолиш хавfli эканлиги маълум бўлиб қолди. Чунки аскарлар майдонни ҳар томондан ўраб олган бўлиб, бегуноҳ инсонларни отиб ўлдиришар эди. Ўша пайт намоийишчилар Чўлпон шоҳкўчаси томонга кета бошладилар. Мен колоннанинг охириги

қаторида эдим. Биз Чўлпон шоҳқўчасининг ўрталарига бориб қолган эдик. Аммо бизни олд томондан ҳарбийлар БТРлар ёрдамида йўлимизни тўсиб қўйдилар. Аскарлар бизга олд, орқа ва ён томонлардан ўқ уздилар. Шоҳқўчанинг ҳар икки тарафида кўпқаватли бинолар бор. Ҳарбийлар ҳатто ана шу уйлардан туриб ўқ отдилар. Бир ўқ қулоғим остидан ўтиб олдимда кетаётган аёлнинг бошига тегди. Ёнимда кетаётган дўстим Аваз Саидамиров тўхтаб ўша аёл жасадини тротуарга олиб кетди. Ўзи шу бўйи қайтиб келмади, чамамда ўлдирилди, шекилли. Ҳарбийлар ҳеч кимни аяб ўтиришмади. Кимлигига қарамасдан қарилар, ёшлар, аёллар ва ҳатто болаларни отаверишди. Ҳамма ёқ ўликка тўлиб кетди. Йўл ўрталарию чеккаларида, дарахтлар олдидаю ариқлар ичида жасадлар ётарди. Чўлпон кинотеатрига етканимизда ўқ отилаётгани ва БТРлар йўлни тўсиб қўйгани сабабли, олдинга қараб кета олмасдан, кинотеатр олдидаги кичик кўчага бурилиб кетдик. Биз шу йўл билан тун бўйи юрдик, бироқ мен қаёққа кетаётганимизни билмадим. 2005 йилнинг 14 май эрта тонгида Тешиктош қишлоғига етиб бордик. У ерда тахминан эрталабки 6:00ларда аскарлар яна бизга ўқ ота бошладилар. Ўлдирилганлар кўп бўлди, қолганлар қочиб кетишди. Мен кичкина кўчага ўтиб, шопипоя орқали уйимга қайтиб кетмоқчи бўлдим. Лекин ўша ерлик оқсоқол дарё бўйида аскарлар дала бўйлаб кетмоқчи бўлаётган инсонларни отиб ташлашаётганини айтди. Атрофни кузатиб, ростдан ҳам дарё олдидаги дарахт тагида уч аскарни кўрдим. Дарё яқинида 30 лар чамаси одам ўлдирилди. Биз билан бирга кетганларнинг кўпи ўша жасадларни кўришгани йўқ. Мен ва дўстим эса кўриб қолдик. Кейин мен бошқаларга қўшилиб олиш учун ортимга қайтдим.

(Дониёр, АҚШ)

Биз Тешиктошга етканимизда бизни пойлаб турган аскарлар бизга қарата ўқ отдилар. Мен ҳаво ранг гулли кўйлак кийган, озғин, ўрта бўйли аёлнинг орқасига ўқ текканини кўрдим. У менинг қариндошим, ўша куни биз билан бирга кетаётган Ақромжоннинг хотини эди. Оғир яраланган аёл ерга йиқилди. Уни дарахт тагига олиб боришди. Мен кўрганимда у қийналиб нафас олар эди. Мен туриб дуо қилдим. Ақромжон хотининг олдида ўтириб йиғлар эди. Бир неча дақиқадан сўнг у аёл оламдан ўтди. У белига ўқ еб ўлди.

Менинг хабар топишимга кўра, Андижон қирғинидан кейин жасадларни ёппасига Боғишамол даҳасига кўма бошлаган. Бу – мусулмончиликка зид ва марҳумлар руҳига ҳурматсизликдир.

Жўрабой исмли маҳаллий турғун ўша ерликларга ўликларни ёппасига кўмиб юборилгани ҳақида айтиб юрган. Шу сабабли уни пичоқ тиқиб ўлдиришган. Ерлик аҳолининг Жўрабойни СНБ ходимлари ўлдиришганига ишончлари комил. Бу ҳақда менга Жўрабойнинг қўшнилари бўлган Қочоқлар лагеридаги инсонлар айтиб беришди. Бу воқеа ҳақида “Свобода” ҳамда “Озодлик” радиолари ҳам хабар беришган. Оммавий кўмиш унинг уйи рўпарасида амалга оширилган. Марҳум уйини биладиган одамларни танийман.

(Нажмиддин, АҚШ)

одамлар колоннаси Чўлпон кинотеатри рўбарўсида тўхташганида ва ўққа тутиш кучайганида, мен билан ёнма-ён кетаётган 20-25 ёшлардаги боланинг бошига ўқ тегди. Ўқ бошини тешиб ўтиб, ундан сачраган қон менинг юзларимга ёпишди. Мен яна уч йигит ёрдамида уни қандайдир дўконча тахтасига ётқизиб қўйдим. У бизнинг қўлимизда жон берди. Биз уни ўша ерда қолдириб, ўлимдан ўзимизни сақлаган ҳолда кетишда давом этдик.

(Ҳусанбой, АҚШ)

Мен инсонлар ҳукуматдан мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашликни талаб қилиб, тинч намоишга чиқишганини эшитдим. Мен Бобур майдонига келдим. Бу тахминан эрталабки соат 9 ларда эди. Намоишчилар ҳокимиятдан муаммоларга қулоқ солиб, уларга ечим беришлигини талаб қилишар эди. Бир қанча вақт ўтгач майдон устидан вертолёт учиб ўтди ва одамлар орасида президент Каримовнинг ўзи ташриф буюришлиги ҳақида гап-сўзлар тарқай бошлади. Лекин бунинг ўрнига ҳукумат қуролли кучлари майдонни ўраб, тўлалигича ишғол қилиб олдилар.

Шу ерда мен сизнинг эътиборингизни ушбу нарсага тортмоқчиман: агар ҳукумат намоишчиларни ҳайдабгина юбормоқчи бўлган бўлса, нима сабабдан ҳеч бир жон у ердан чиқиб кета олмайдиган даражада майдонни ўраб, ишғол қилиб олиш керак бўлиб қолди? Ҳукумат аввалданок майдондаги барча инсонларни қириб ташлашликка жазм қилганлигига ишончим комил. БТР дан туриб оломонга шиддатли ўқ узила бошлагач, бошқа кўпчилик қатори мен ҳам майдондан уйимга кетмоқчи бўлдим. Лекин бунинг иложи йўқ эди, чунки барча кўчалар БТР лар билан ўраб олинган эди. Мен Комил Яшин кўчаси орқали кетмоқчи бўлдим. БТР ларга 200-300 метр қолганида аскарлар ҳеч бир огоҳлантиришсиз ўлдиришга ўқ уза бошладилар. Мен ерга ётиб олиб орқага судрала бошладим. Мана шу пайтда мен ўтиб бораётган БТР лар ва ичида ҳарбий жангчилари бор оғир ҳарбий машиналарни кўрдим. Улар йўл-йўлакай оломонга ўқ отиб боришарди. Кўпчилик қатори ерга ётиб олдим, чунки бу тирик қолишининг ягона йўли эди. Бунақанги рейдлар бир неча бор такрорланди ва ҳар сафар қанчалаб инсонлар ҳалок бўлишди. Шунда бир киши минбарга чиқиб, майдонда қолиб бўлмаслиги, шундак ҳам ўлдирилганлар сони кўпайгани ва тунда ҳам қолиб кетилса, ҳаммани қириб юборишлари ҳақида гапирди. Сўнг инсонлар колонлалашиб майдондан Чўлпон кинотеатри томон кета бошладилар. Майдондан чиқиб кетаётган одамлар сони жуда кўп эди. Тирик қолиш имкони кўплигидан мен ҳам колоннага қўшилиб олдим. Шоҳқўчага чиққанимизда рўбарўдаги Қурилиш коллежи олдида БТР лар турар эди. Йўлнинг икки тарафидаги кўп қаватли уйлар томида аскарлар ва снайперлар ётишарди. Ҳар томондан қуролсиз колоннага қараб ўқлар уза бошладилар. Ўша онда биз ерга ётиб олдик. Минут сари ўлдирилганлар сони ортиб борар эди. Колонна Чўлпон кинотеатрига етиб олганида барча ерга ётиб олишига қарамасдан ҳарбийлар ўқ отишни тўхтатмадилар. Қўрқиб кетган одамлар ётган жойидан ўнг томондаги Байнал-милал кўчасига қочиб кириб, қамалдан қутилиб қолдилар. Мен ҳам шу тариқа қутилиб қолганлар орасига тушиб қолдим.

(Илҳом, АҚШ)

Илова 2. Бедарак йўқолганлар рўйхати

1. Хамзаев Хасанхон (Қўқон шаҳридан)
2. Холмирзаев Муҳиддин (Андижон)
3. Жумабоев Дониёр (Андижон)
4. Шайхов Баходир (Андижон)
5. Ахмадқулов Аъзам
6. Алимов Эркин
7. Тўрабеков Замирбек
8. Маматхўжаев Баходир
9. Исмоилжон (Фамилияси ноаниқ)
10. Мусажон (Фамилияси ноаниқ)
11. Эгамов Абдувосит
12. Абдумажид (Фамилияси ноаниқ)
13. Муҳаммаджон (Фамилияси ноаниқ)
14. Исақов Бахрамжон
15. Бахрамжонов Баходир

Илова №3. Тергов жараёнида ва жазони ўташ масканларида, қийноқлар туфайли вафот этган ва жасадлари қариндош-уруғларига қайтариб берилган шахслар рўйхати

1. Нодиров Баходирхон (Андижон)
2. Қодиров Хошимжон (Андижон)
3. Қўчқоров Абдурахмон (Андижон)
4. Ортиқов Мухаммадшокир (Андижон)
5. Хасанов Шухратжон (Қўқон)
6. Икромжон (Фамилияси ноаниқ) (Қўқон)
7. Жўраев Озодбек (Жалолқудуқ тумани)
8. Турғунова Рўзихон (Андижон)
9. Умаров Фиёсиддин (Андижон)

Илова №4. Жасадлари қариндош-уруғларига қайтариб берилган айрим шахслар ҳақида тафсилотлар

4⁵. Ортиқов Мухаммадшокир, 1975 йилда туғилган.

Ортиқов Мухаммадшокирнинг жасади қариндош-уруғларига 2008 йилнинг 7 сентябр куни олиб келинган. У 17 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Ўлимидан олдин, Тошкент шаҳридаги “Сангород” номли қамоқ касалхонасига жойлаштирилган. Узоқ давом этган ва жиддий касалга қарамай, унинг ўлими оила аъзолари учун кутилмаган зарба бўлди.

Ортиқов Мухаммадшокир, ҳукумат томонидан ёлғон айбловлар билан айбланган ва уларга нисбатан жиноий иш қўзғолган, андижонлик 23 тадбиркорлардан бири эди. 23 тадбирокр устидан уюштирилган адолатсиз суд жараёни, оҳир-оқибат, 2005 йил 13 май куни халқ норозилигига сабаб бўлган эди.

Хибсга олингунга қадар, Мухаммадшокир мебел ишлаб чиқарар эди. Фаолият юритмаётган Андижондаги мебел комбинатини ижарага олиб, комбинатни илғор, даромад келтирувчи корхонага айлантира олди.

Уни биринчи марта 2004 йил 6 июн куни хибсга олишди. 2005 йил май ойида бўлиб ўтган суд жараёнларида, танаффус пайтларида, дўстларига турмада уни қанчалар қийноқларга солишганини гапириб берди. Уни яланғоч қилиб ечинтиришиб, арқон билан боғлаб, шифтга осишган. Устидан совуқ сув қуйишиб, резина таёқ билан аямай уришган. Кейин эса, беҳуш холида совуқ, зах карцерга ташлашган. Ўзига келганида, 3 кун давомида беҳуш ётганини билган. Суд мажлисларида, оғриқдан қаддини тик тутта олмай, эгилиб ўтиришга мажбур бўлган.

Қўзғолончилар томонидан 13 май кунга ўтар кечаси Андижон турмасига уюштирилган хужум туфайли, Мухаммадшокир қолганлар билан бирга озодликка чиқади. Аммо кўп ўтмай, яна хибсга олинди ва суд қилинди. Шундан сўнг, қийноқлар янада кучайди. Оиласи билан икки йил давомида кўришгани рухсат берилмади. Фақат, Сангородга тушиб қолгандан сўнгина, учрашувга рухсат берилди. Лекин шунда ҳам фақат ярим соатга кўришишга рухсат берилди.

Мухаммадшокирни билганлар барчаси уни навқирон, бақувват деб билишарди. Турмадаги қийноқлар ва шавқатсиз муомалалар оқибатида, у соғлигини йўқотиб, ногиронга айланди. Яқинларининг айтишларича, учрашувга уни носилкада олиб чиқишган. У тўғри ётолмас эди, чунки унда, нафас олиши қийинлашарди. У фақат ярим ётган ҳолда ўтириши мумкин эди. Юролмаслиги ва ўзига қаролмаслиги ҳолатига қарамай, турмада унга керакли шароитлар яратилмаган. Ўзига қаролмаслик оқибатида, у доимо ювинмаган ҳолда бўлган.

Ҳаво етишмаслиги оқибатида, у тўхтаб-тўхтаб, оғир нафасда гапирарди. Хатто гапларни, сўзларни охиригача гапиришга қуввати етмасди. Аёлига фақат ярим соатга, кўриқчининг назоратида учрашув белгилашди. Турмуш ўртоғи, эрини ювиб-тараш учун, учрашув вақтини узайтириб беришни сўраган, лекин унга раъд этилган.

⁵ Рўйхат бўйича тартиб сони.

Сангороднинг хамшираси 8 мартаба судга мурожаат қилиб, М. Артиковнинг соғлиги ёмонлиги, турма шароитида уни даволаб бўлмаслиги, зудлик билан махсус шифохонага ётқизилиши зарурлигини асослаб келтирган. Аммо, энг охириги 2006 й. 26 август кунги суд мажлисида ҳам, М. Артиковга раъд этилган.

2008 й. 3 сентябрь кунги бўлиб ўтган охириги учрашувда, ўлимнинг яқинлигини ҳис этган Мухаммадшокир, ўз оиласи билан видолашган ва аёлига, фарзандларини ҳақиқий, чин инсон қилиб тарбиялашни васият қилган. Артиковнинг оиласи, уни ўз ажали билан ўлганига ишонишмайди, аксинча, уни турмада, қийноқлар, шавқатсиз муомала ва етарли шароитлар яратиб бермаслиги оқибатида, ўлимга маҳкум қилишган деб ҳисоблашади.

Унинг жасадини 4 нафар милиция ходими, "ДАМАС" русумли автомашинада ташлаб кетишган. Уни, ўпкаси ишламай қолиши оқибатида вафот этди, деб айтишган. Майитни очиб, миллий урф-одат бўйича, ювиб кўмишга рухсат беришмаган. Зудлик билан, тобут билан кўмишларини талаб қилиб, туриб олишган. То майитни ерга қўйишгунича, устида кузатиб туришган. Мана шу ҳолатнинг ўзи, ҳукумат М. Артиковнинг ҳақиқий ўлими сабабини, яъни қийноқлардан ўлганини беркитиш ва бу фактни ошкор қилишни олдини олиш мақсадида қилинганини яққол тасдиқлайди.

7. Жўраев Озодбек, 1976 йил.

Озодбек Ўзбекистон куч ишлатар структуралари томонидан амалга оширилган ваҳшийларча калтаклашлар оқибатида 2005 йилнинг май ойида ҳаётдан кўз юмди. Озодбекнинг ҳамқишлоғи бўлмиш Мирзаев Зоҳиджон қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

- Озодбек табиатан мулойим ва камтар йигит эди. Биз у билан тез-тез кўришиб турардик. У миллий мини-нонвойчиликда ишлар эди. Ўз ишининг устаси бўлган.

13 май кунги Озодбек Андижондаги митингда қатнашган ва сўзга чиққан. Кейин уйига қайтиб келган. Эртаси кунги биз ўқиган қишлоқ мактабининг директори бўлиб ишловчи опа унинг уйига келади. Опа унга, бориб митингга қатнашганини бўйнига олиши кераклигини айтади. Яна илова қилади-ки, ўша кунга гувоҳларни аниқлаш ва уларни ҳибсга олиш бўйича рейд бошлангани, агар унинг ўзи бормаса, келиб олиб кетишлари ва оқибати ёмон бўлиши мумкинлигини айтади. Опа Ўзбек ҳукумати инсонпарвар эканлиги ва Озодбекнинг хатоларини албатта кечиршлиги ҳақида ишонтирарли сўзларни гапирди.

Шундай қилиб улар биргаликда маҳаллий СНБ бўлимига борадилар. Директор куч ишлатар орган ходимларига йигит адашиб митингга қатнашиб қўйганлиги ва бундан кейин ҳеч қачон бунақа қилмаслигини тушунтиради. Ходимлар Озодбекни сўроқ қилиб бўлиб қўйиб юборишларини айтишиб опани тинчлантиришади. Ўша кунги Озодбек уйига қайтиб келмади. Бўлимга борган қариндошларига уни СНБ нинг вилоят бўлимига олиб кетишганини айтишади. Қариндошлари Озодбекни излашни давом эттирадилар. Озодбек аёли қариндошларидан бири уни моргдан топиб олади ва уйига олиб келади. Озодбек жасадини ювган ҳамқишлоқларининг гапларига қараганда, унинг танаси кўкариб кетар даражада калтакланган экан. Оёғида арқондан қолган тиртиқ аниқ кўриниб турарди экан. Одамлар уни оёғидан бошини ерга қаратиб осиб қийнашган, деган хулосага келдилар. Унинг орқа чиқариш тешиги ёрилиб кетган эди. У ерга каттароқ нарсани тиқиб олишгани билиниб турар

эди. Оёқ-қўлларининг тирноқлари суғурилган, тухумлари мажақланган эди. Булар ҳақида Озодбекнинг қайнонаси "Озодлик" радиосига берган интервьюсида билдирган.

Кўмиш маросимлари ўтгач, Озодбекни моргдан топиб уйига олиб келган хотинининг қариндошини ҳам СНБ ходимлари олиб кетиб роса калтаклашади. Зўрға уйига чиқиб келади. Қимирлай олмасдан узоқ ётиб қолади.

Озодбекни СНБ га олиб борган директорнинг юрак хуружи тутади. Жасад қабрга қўйилганидан кейин оғриб қолган директор, қўшнилари айтишича, ҳеч нарса емай қўяди. Фақат йиғлашни одат қилган муаллима кўп ўтмасдан виждон азобидан қийналиб вафот этади. Ўлими олдидан аблаҳ ҳукуматга ишониб мулоим ва тарбияли бола ҳаётига зомин бўлганлигини, кўргани келганларга қараб, ишониб юрган давлати ҳақиқий ахлат эканлигини айтади.

9. Умаров Фиёсиддин, 1953 йил.

Фиёсиддин Умаровнинг жасади 2010 йилнинг 29 октябрида Тошкентдаги Сангороддан қайтариб берилган. Бунгача у Сангородда бир неча маротаба «Бавосил» расмий ташхиси билан бўлган. Турмагача у бирон марта ҳам соғлиғидан шикоят қилмаган.

Унинг ўғли Тоҳирнинг ҳозир АҚШ да юрган дўсти Ортиқали воқега ўзининг муносабатини билдирди (Ортиқали 2005 йил 13-14май воқеларидан кейин Андижон шаҳар изоляторида Фиёсиддин билан бирга ўтирган):

- 13 майдан кейин Андижон қатли оми гувоҳларини оммавий ҳибсга олиш бошланиб кетди. Фиёсиддин ака иккаламиз 13 иай даҳшатларига гувоҳ бўлиб қолгач, чегарадан ўтиб 14 май куни Қирғизистонда паноҳ топган инсонларга бориб қўшилмоқчи бўлдик. Лекин Қирғизистон куч ишлатар бўлими ходимлари бизни бошқаларга қўшмасдан Ўзбекистон ҳукуматига топшириб юбордилар. Шунда кучли болалар бошимизга қоп кийгизишиб, бизни номаълум тарафга олиб кетишди. ИИБ биносига ўхшаш жойга олиб келишди. Дубинкалар билан туртиб, каерага қамаб роса калтаклашди. Қамалган эркаклар оғриққа чидай олмай, тўхтатишни сўраб бақириварди. Улар уришни тўхтатишса, ҳар қанақанги жиноятни бўйнига олиб қўл қўйиб беришларини айтишди. Фиёсиддин ака иккаламизга навбат етиб келди. Биз билан бир неча одамни қанақадир хонага олиб киришиб, қип яланғоч бўлишликка буюришди. Биз ечиндик. Ҳарбий формадаги кучли болалар сўқинишиб бачани масхара қилишди. Уларда резина дубинка бор эди. Ўша билан бошни кўтаришга қўймасдан уришди. Фақат полга қараб туришга буюришарди. Биз яланғоч турардик. Бизни навбатлашиб уришар ва тепишар эди. Чаккаларимизга пистолет тақаб отиб юбориш хавфи билан қўрқитарди. Улар бошлиқларидан бизни отиб ташлашга рухсатлари борлигини айтишарди. Булардан кейин қаердандир чойшабтопиб келишиб, йиртиб қўлларимизни орқасидан боғлашди. Кейин бизни Андижон шаҳар УВД сига олиб келишди. У ер ҳам бизга ўхшаб қўлга олинганлар билан лиқ тўла экан. Машинада ўтирганимизда ҳарбий кимдир биримиз қўлимизни решёткадан чиқаришимизга буюрди. Фиёсиддин ака чиқарган эди, ҳарбий ҳали ўчмаган сигаретасини унинг кафтларига босиб ўчирди. Машинадан тушишга буюрдилар. Тушганимда икки барваста аскар ёнимга келди. Улардан бири оғзимни очишликка буюрди. Оғзимни очган эдим, ўчмаган сигаретасини тилимга босиб ўчирди-да уни юти юборишимга буюрди. Мен ютиб юбордим.

Кейин бизни хонага олиб кириб ерга қараб ётишликка буюрди. Бизни анчагача ҳожатга олиб чиқишмади. Бир кекса одам чидай олмасдан ётган жойида иштонини хўллади. Шундан кейин бизни ҳам ташқарига олиб чиқишиб қўлларимизни ечмасдан сийиб олишликка, шошилишимиз кераклигига буюриб, вақтимиз озлигини айтишди. Ҳамма қатори мен ҳам иштонни хўллашга мажбур бўлдим. Хонага қайтиб кирганимизда бизни яна ерга қараб ётишга мажбур қилишди. Қарашга, бурилишга рухсат беришмади. Менга Ўзбекистон гимнини ижро этишга буюриб, кейин айланиб олишликка бир минут вақт беришди. Фиёсиддин акага анекдот айттиришди. У кўзларига ёш келиб айтиб берди. Ҳарбийлар бизни роса калака қилишди. Ҳарбий ботинкаларида устимизда юришди. Кейин ура кетишди. Эртасига бизни шаҳар турмасига олиб келишди. У ерда одам лик эди. Фиёсиддин аканинг катта ўғли ҳам шу ерда экан. бизни бир камерага тиқиб қўйишди. Камерадагиларга тартиб билан санашлик буюрилганида, менинг тартиб рақамим ё 82 ва ё 87 бўлди, аниқ эслолмайман. Фиёсиддин аканинг ўғлини кўз олдида уришганида чидай олмасдан ўғлини урмасликлари, ўғлининг ўрнига ўзини уришларини сўради. Уни уришаётганида эса ўғли отасига раҳм қилишлари, отасининг ўрнига уни уришликларини илтимос қилди. Шунақа бўлавергач бир неча кундан кейин бир қанча сўроқ-саволлар ўтгач Фиёсиддин ака баданида соғ ери қолмаган эди. Ҳамма ёғи кўкариб кетган эди. Бизга гаплашишлик манъ қилинган эди. Бир неча кундан кейин яна у билан бир камерага тушиб қолдим. У бурчакда ўтирар эди. Лаблари кўрқинчли ҳолатда ишиб кетган эди. Лабларига сигаретлар босиб куйдирилгани кўриниб турар эди. У мендан оҳистагина хотини, қизи ёки ўғлини кўрган-кўрмаганлигимни сўради. Ҳарбийлар унга хотини ва қизининг номусига тегишганини айтишибди. Мана шу бизнинг охири учрашувимиз бўлди. Мен унинг жимгина, ўйланиб камера бурчагида ўтирганини эслайман.

Илова 5. Қамоқ жазосига маҳкум этилган, 13 ва 14 май кунги воқеалар қатнашчилари ва гувоҳлар рўйхати

1. Tolib (фамилияси номаълум) (Andijon⁶)
2. Dilshodbek (фамилияси номаълум)
3. Alisher (фамилияси номаълум) (Andijon)
4. Bohodirjon (фамилияси номаълум) (Andijon)
5. Zohidjon (фамилияси номаълум) (Andijon)
6. Anvarjon (фамилияси номаълум) (Andijon)
7. Domlajon (фамилияси номаълум) (Andijon)
8. Fayzullo (фамилияси номаълум) (Andijon)
9. Hayrullo (фамилияси номаълум) (Andijon)
10. Hasanboy (фамилияси номаълум) (Andijon)
11. Ismoilov, Ibrohim (Andijon)
12. Bahtiyorjon (фамилияси номаълум) (Andijon)
13. Tojihalilov, Rasuljon (Andijon)
14. Tojihalilov, Abdulatif (Andijon)
15. Sultonov, Shoyataka (Andijon)
16. Ulugbek (фамилияси номаълум) (Andijon, nonvoy)
17. Boltaboev, Abdulahad (Andijon)
18. Arabboy (фамилияси номаълум) (Andijon)
19. Sarvar (фамилияси номаълум)
20. Akmal (фамилияси номаълум) (Toshkent)
21. Adaham (фамилияси номаълум) (Toshkent)
22. Shuhrat (фамилияси номаълум) (Toshkent)
23. Abdujabbor (фамилияси номаълум) (Toshkent)
24. Alisher (фамилияси номаълум) (Toshkent)
25. Qayumov, Abdumuhtor (Andijon)
26. Olimjon (фамилияси номаълум) (Andijon)
27. Olimhon (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
28. Asrorbek (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
29. Turdialiev, Abdunosir (Qo'qon)
30. Ismoilhon (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
31. Fulomhon (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
32. Bohodirjon (фамилияси номаълум) (Ho'jaobod)
33. Avazbek (фамилияси номаълум) (Ho'jaobod)
34. Aqilbek (фамилияси номаълум) (Ho'jaobod)
35. Toshpo'latov, Shuhrat (Qo'qon)
36. Toshpo'latov, Hasanboy (Qo'qon)
37. Abdullaev, Komolhon (Qo'qon)
38. Alijon (фамилияси номаълум) (Jalaquduq)
39. Ganijon (фамилияси номаълум) (Jalaquduq)
40. Shayhov Bahtiyor (Andijon)
41. Ilhom (фамилияси номаълум) (Andijon)
42. Qosimov, Kozimjon (Andijon)
43. Hojiev Ikrom (Andijon)

⁶ Место жительства


44. Hojiev, Ilhom (Andijon)
45. Hojiev, Tavakkal (Andijon)
46. Hojimatov, Abdumalik (Andijon)
47. Pirmatov, Rasul (Jalaquduq)
48. Qobiljon (фамилияси номаълум) (Jalaquduq)
49. Kenjaboy (фамилияси номаълум) (Jalaquduq)
50. Mirkomil (фамилияси номаълум) (Jalaquduq)
51. Mansur (фамилияси номаълум) (Jalaquduq)
52. Abduhakim (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
53. Shavkat (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
54. Ahmadjon (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
55. Turgunov, O'tkirbek (Jalaquduq)
56. Holmirzaev, Muhiddin (Jalaquduq)
57. Kosimov, Abduvohid (Andijon)
58. Shuhratbek (фамилияси номаълум)
59. Farhod (фамилияси номаълум)
60. Hurshid (фамилияси номаълум)
61. Bahtiyorjon (фамилияси номаълум)
62. Jololdin (фамилияси номаълум) (Andijon)
63. Kozim (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
64. Ilhom (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
65. Hasanboy (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
66. Husanboy (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
67. Bahrom (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
68. Bohodir (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
69. Usmon (фамилияси номаълум) (Ho'jaobod)
70. Nodirov, Hafizullo(Andijon)
71. Ibragimov, Abdumajid (Andijon)
72. Ibragimov, Abdumalik (Andijon)
73. Ibragimov, Abdubois (Andijon)
74. Ibragimov, Abduvohid (Andijon)
75. Ibragimov, Dovudhon (Andijon)
76. Hayrullo (фамилияси номаълум) (Andijon)
77. Hadjiev, Shavkatbek (Andijon)
78. Yusupov, Azizullo (Andijon)
79. Dadaho'jaev, Nurillo (Jalaquduq)
80. Dadahojaev, Habibullo (Jalaquduq)
81. Dadahojaev, Sherullo (Jalaquduq)
82. Dadahojaev, Nusratullo (Jalaquduq)
83. Dadahojaev, Nasibullo (Jalaquduq)
84. Mahmudov, Ahrorjon (Qo'qon)
85. Raunov, Madaminjon (Qo'qon)
86. Saliev, Nabijon (Qo'qon)
87. Abdurashid (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
88. To'lqinjon (фамилияси номаълум) (Qoo'qon)
89. Qo'chqarov, Ibrohim (Andijon)
90. Turdiev, Bahtiyor (Andijon)
91. To'lakov, Shokirjon (Andijon)
92. Mamayunusov, To'lqin (Bekobod)

93. Omonov, Farhod (Bekobod)
94. Dadaboev, Adhamjon (Bekobod)
95. Umarov, Bahtiyor (Andijon)
96. Umarov, Nodirbek (Andijon)
97. Parpiev, Ne'matullo (Andijon)
98. Kuzinov, Halimjon (Bekobod)
99. Sheraliev Abdurashid (Qo'qon)
100. Abdulaziz (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
101. Abdunabiev, Ilhom (Buloqboshi)
102. Hasanboy (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
103. Sharipov, Abdumalik (Q'qon)
104. Zohid (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
105. Erkaboev, Mamur (Qo'qon)
106. Tohir (фамилияси номаълум) (Qo'qon)
107. Ataboev, Ravshan (Andijon)
108. Ataboev, Adaham (andijon)
109. Rasulov, Abduvali
110. Qodirov, Muhammadjon (Andijon)
111. Qodirov, Muzaffar (Andijon)
112. Abdujabborov, Jasurbek (Andijon)
113. Zokirov, Hokimhon (Andijon)
114. Zokirov, Murodhon (Andijon)
115. Jabborov, Nodirbek (Andijon)
116. Nodirov, Dadahon (Andijon)
117. Nodirov, G'ulomhon (Andijon)
118. Usmonov, Mashrabjon (Andijon)
119. Azimjonov, Nusratullo (Andijon)
120. Nodirov, Hayotullo (Andijon)
121. Nodirov Hikmatullo (Andijon)
122. Adilhaev Ilyoshon (Andijon)
123. Nizomov Iqboljon (Andijon)
124. Mirzaev Barot (Andijon)
125. Shuhrat (фамилияси номаълум) (Andijon)
126. Ahmedov, Ikrom (Qo'qon)
127. Rasulov, Ma'mur (Qo'qon)
128. Rasulov, Mo'min (Qo'qon)
129. Karimov, Nizom (Andijon)
130. Qodirov, Hokim (Andijon)
131. Qodirov, Hotam (Andijon)
132. To'lanboev, Abdurashid (Qo'qon)
133. Sultonov, Bahtiyor
134. Qambarov, Avaz
135. Zakirov, Sharobiddin (Andijon)
136. Parpiev, Qobil (Andijon)
137. Mallaev, Sharobiddin (Bekobod)
138. Mallaev, Rustam (Bekobod)
139. Mallaev, Hayitali (Bekobod)
140. Mallaev, Hudayberdi (Bekobod)
141. Mallaev, Usmon (Bekobod)

142. Mallaev, Suhbatullo (Bekobod)
143. Imomov, Sodiq (Bekobod)
144. Imomov, Alisher (Bekobod)
145. Jumaboev, Rahmatullo (Andijon)
146. Mamadiev, Abdulaziz (Andijon)
147. Zainobiddin (Andijon)
148. Nurillo (фамилияси номаълум) (Andijon)
149. Boltaho'jaev, Furqat (Toshkent)
150. Boltaho'jaev, Farhod (Toshkent)
151. Madaliev, Ibrohim (Toshkent)
152. Madaliev, Ravshan (Toshkent)
153. Umarov, Yunushon (Andijon)
154. Sherzod (фамилияси номаълум) (Andijon)
155. Sadullaev, Saidolim (Toshkent)
156. Sadulaev, Saidakbar (Toshkent)
157. Mahmudov, Farruh (Toshkent)
158. Umarov, Giyosiddin (Andijon)
159. Valiohunov, Sanjarbek (Andijon)
160. Yuldashev, Anvar (Andijon)
161. To'htamatov, Mirzaomin (Andijon)
162. Saidamirov, Avazbek (Marhamat)
163. Saidamirov, Rustamjon (Marhamat)
164. Botirov, Mirzarahim (Marhamat)
165. Ahmedov, Bahtiyor (Andijon)
166. Egamberdiev, Tavakkal
167. Goziev, Abdulhofiz
168. Bahromov Sotvoldi
169. Sadirov, Dilshod
170. Qurbonov, Yahshivoy
171. Holmirzaev, Ravshan
172. Ne'matullo (фамилияси номаълум)
173. Muhsin (фамилияси номаълум)
174. Homidjon (фамилияси номаълум)
175. Omatullo (фамилияси номаълум)
176. Zohidjon (фамилияси номаълум)
177. Ahmadullo (фамилияси номаълум)
178. Qudratbek (фамилияси номаълум)
179. Gofurov, Qobiljon
180. Diyorov, Hamidullo
181. Maksudov, Johongir
182. Bakiev, Nohitjon
183. Dadahojaev, Ne'matullo
184. Hojaev, Shuhrat
185. Hudayqulov, Hayrullo
186. Hudayqulov, Nematullo
187. Hamidov, Abdurauf
188. Mahmudov, Hikmatillo
189. Madrahimov, Sardorbek
190. Rahimov, Odiljon

191. Yuldashev, Dilshodbek
192. Dadaboev, Jomoldin
193. Kodirov, Abdumutallib
194. Kodirov, Abdunosir
195. Dilmurod (фамилияси номаълум)
196. Orifjon (фамилияси номаълум)
197. Tohirjon (фамилияси номаълум)
198. Usmonov, Odiljon (фамилияси номаълум)
199. Ismoilov, Qahramonjon (фамилияси номаълум)
200. Ismoilov, Omatbek (фамилияси номаълум)
201. Karimov, Abdusamad (фамилияси номаълум)
202. Ibragimov, Rustam
203. Turgunov, Avaz
204. Sagdullaev, Saidolim
205. Shoyunusov, Bohodir
206. Ziyahujaev, Abdulahad
207. Ismoilov, Nozimjon
208. Yuldashev, Murodjon
209. Holmirzaev, Bahtiyor
210. Arifhujayev, Dilshod
211. Ibragimov, Sodikjon
212. Ismoilov, Azamjon
213. Hamzaev, Hasan
214. Saidov, Dilmurod
215. Karimov Bohodir
216. Hayrullo (фамилияси номаълум)
217. Bobojonov, Biloldin
218. Bobojonov, Adhamjon
219. Kozimjon (фамилияси номаълум)
220. Shokirjon (фамилияси номаълум)

Илова 6. 2005 йил 13 май воқеалари содир бўлган жойларнинг қўшимча харитаси



Центр Андижана

Илова 7. Муаллиф ҳақида маълумот

Бахтиёр Мухтаров

bahtiyormuhtarov@gmail.com

Ўзбекистон фуқароси

Финляндияда резидент мақомига эга

Иш жойи – “Андижон – Адолат ва Тикланиш” нодавлат ташкилотининг раис муовини ва инсон ҳуқуқлари бўлимининг раҳбари

Ташкилотнинг манзили – Дюссельдорф, Германия

<http://andijonadolat.org/>

<http://eng.andijonadolat.org/>

Бахтиёр Мухтаров намоиш қатнашчилари ва кейинчалик Ғарб давлатларида қочоқлик мақомини олган қочоқлар орасида бўлган

Бахтиёр Мухтаров Helsinki Foundation for Human Rights, Warsaw, Poland ташкилоти томонидан уюштирилган “Инсон ҳуқуқлари” курсини тамомлаган. Жорий изланиш, ўқув машғулотлари доирасида, курс иши сифатида олиб борилган.